

2019 йил 22 декабрь

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайлов куни.



№101-102
2019-йил, 17-декабр
Seshanba (32.592)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Сенати
ийгирма бешинчи ялти
мажлиси тўғрисида
ахборотни газетамиз
сайтида ўқишингиз
мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, БУ БОРАДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Маълумки, мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат барпо этишининг бош мезони бўлиб келмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, раҳбар ходимлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш гоյат муҳим ва долзарб вазифага айланмоқда.

Мамлакатимизда жадал суръатлар билан олиб борилаётган ўзгариш ва янгиланишлар негизда, авваламбор, Конституцияимизда белгиланган давлат органларининг халқ манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги ҳақидаги қондан амалда татбиқ этишдек зағу мақсад муҳассам экани ҳам айнан шунга тақозо этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун қўллаб-қувватлаш ҳамда қонунлар ва қонуноти ҳужжатлари қабул қилинаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни вақтда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш қонун бузилиши билан боғлиқ салбий оқибатларга қарши самарали курашишни ҳамда бундай ҳолатнинг барақат олдини олишга қаратилган таъсирчан тизимни шакллантиришни талаб этмоқда.

Қонунийликни мустаҳкамлашда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳар бир шахсда қонунларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришни кун тартибига энг асосий масала қилиб қўймоқда.

Шу билан бирга, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратининг таъсирчан шакллари жорий этиш, оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳар қандай шаклда таъйиқ ўтказишга йўл қўйилмаслик ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини кучайтириш, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришда жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш ҳамда бу жараёнда оммавий ахборот воситалари иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқласин.

2. Дастурни амалга оширишнинг асосий мақсади этиб қўйилган пировард натижаларга эришиш белгилансин:

Конституция ва қонун устуворлигини, давлат органлари қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қонунларга тўлиқ мувофиқ бўлишини таъминлаш, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг омага етказиш, ҳар бир фуқаро ва мансабдор шахсларда Конституция ва қонунларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш;

Конституция ва қонун устуворлигига эришишда давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, мустақил ва ҳолис оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш;

одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва чинакам мустақиллигини таъминлаш;

давлат ва жамият бошқарувида, давлат органларининг қўндалик фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кучайтириш, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларни халқ манфаати йўлида хизмат қиладиган идораларга айлантириш;

Конституция ва қонунларда белгиланган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият сифатида янада мустаҳкамлаш, мулк дахлсизлигини кафолатлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020 йил 1 мартдан бошлаб:

аҳоли масканларининг мезморий қиёфасини тубдан янгилаш ва ободонлаштириш, шунингдек, уларда комплекс қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга оид қарорлар дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилади;

жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратиш ҳақи-

даги ҳужжатлар қабул қилинганидан (расмийлаштирилганидан) кейин бир кун муддатда тегишли ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади;

б) 2020 йил 1 апрелдан бошлаб:

шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий этилади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига улар томонидан шахс ушланганидан сўнг унинг ушлангани ва ушлаб турилган жойи тўғрисида оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларини ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбурият юкланади;

в) 2020 йил 1 июлдан бошлаб ҳуқуқни чеклайдиган процессуал мажбурият чораларини қўллаш, жумладан, шахсни ушлаб туриш ҳолатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритиб борилади.

4. Қонунлар ижросини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш юзасидан:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда қонуноти ҳужжатларининг қабул қилинишини мониторинг қилиб бориш, қабул қилинган қонунларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш ва кучайтириш тасвия этилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий судига жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишда қонунларнинг бир хил ва тўғри қўлланилиши ҳолатларини ўрганиш юзасидан суд амалиётини ҳар чорақда умумлаштириб бориш, заруратга кўра тегишли Пленум қарорларини қабул қилиш тасвия этилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунлар ижросининг мақсади ва комплекс ўрганилишини ҳамда унинг натижаларини режа асосида ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида муҳокама қилиб борилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бош прокуратура, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар қўйидагиларни назарда тутувчи тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин:

прокурор, сурштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини кўзатиш, жиноят иши кўзатишнинг рад этиш, тафтиш тайинлаш, сурштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш ва жиноят ишини тўхтатиш ҳақидаги қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан бевосита судга шикоят қилиш;

суд ишларини ҳал этишга аралашини, жумладан, ишнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўққинлик қилиш, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда таъсир ўтказиш ҳолатлари бўйича жавобгарликни кучайтириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши (А.Саидов);

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда, 2020 йил 1 мартга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, ҳар бир соҳа ва тармок бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ҳамда замонавий тизимини яратиш бўйича комплекс дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

жамоатчилик назорати соҳасида фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликнинг замонавий механизмларини ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш чораларини жорий қилиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига 2020 йил 1 майга қадар нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этиш ҳамда мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш бўйича энг яхши таклифларнинг давлат гранти танловларини ўтказиш тасвия этилсин.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази 2020 йил 1 майга қадар халқаро ташкилотлар, жамоатчилик, соҳа мутахассислари ва экспертлари иштирокида кенг муҳокама қилиш орқали қўйидагиларни назарда тутувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштириш;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа комплекс чоралар тизимини яратиш;

қонунчиликка ва давлат органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизмлари ва тартиби самарадорлигини ошириш;

аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жумладан, бу борада самарали ахборот ва маърифат тарқатиш, таълим бериш фаолиятини ташкил этиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги:

2020 йил 1 июлга қадар оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари)дан ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, журналистларнинг ўз касбий фаолиятига оид мажбуриятлари белгиланишини назарда тутувчи «Телерадиозашитиришлар тўғрисида»ги ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2020 йил 1 мартга қадар барча давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, уларда жамоатчилик, хусусан, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Адлия вазирлиги, Олий суд ва Бош прокуратура билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар адвокатура институтини янада такомиллаштириш ва адвокатлар мавқеини тубдан ошириш юзасидан қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Адвокатлар палатаси фаолияти билан боғлиқ бўлган ваколатларини қайта кўриб чиқиш орқали ушбу тузилманинг роли ва аҳамиятини янада ошириш;

терговчи, прокурор ва суд томонидан давлат ҳисобидан адвокатларни жалб қилиш механизмини халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш; адвокатлар учун қўшимча имтиёзлар белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2020 йил 1 мартга қадар:

аҳолига, айниқса, ёшларга уларнинг ҳуқуқларини тушунтиришда амалий, таъсирчан ва инновацион механизмларни қўллашни назарда тутувчи Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2020-2021 йилларда самарали амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича янги тизимни яратиш юзасидан таклифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари:

Дастурда белгиланган тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, унда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қонунчилик ва амалиётни чуқур таҳлил қилган ҳолда ҳамда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси асосида ишлаб чиқилишини ва кенг жамоатчилик ўртасида, жумладан, ижтимоий тармоқларда фаол муҳокама қилинишини;

Дастурнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳар чорақда ахборот тақдим этиб борилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: Дастурда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолатини доимий мониторинг қилиб бори-

син;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига мониторинг натижалари тўғрисида ҳар чорақда ахборот киритиб борилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет тармоғида кенг ёритилишини ташкил этсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 13 декабрь

МУНОСАБАТ



Рустам ХОЛМУРОВОД,
Самарқанд давлат университети ректори, профессор.

Демократик ислохотларнинг ҳуқуқий тамали

2



Суратда: Сўрхондарё вилоятида сайловчиларнинг мuddатидан олдин овоз бериши жараёни.

Муддатидан олдин овоз берилмоқда

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 57-моддасида сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имконияти бўлмаган сайловчиларнинг мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқи, овоз бериш мuddати ва тартиб-таомиллари алоҳида белгилаб қўйилган. Шу кунларда мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари кўмаги билан чет элларда хизмат вази-
фари ўтаётган, тахсил олаётган ёки вақтинча яшаётган ўзбекистонлик фуқароларнинг олдиндан овоз беришлари учун шaroитлар яратилган, барча қўлайликларга эга сайлов уасткалари ташкил этилган. Давлат партиялардан кўрсатилган номзодлар ҳақида

батафсил маълумотлар, тегишли тарғибот воситалари мавжуд.

Шу кунгача АҚШ, Канада, Бангладеш, Корея каби ўнлаб давлатларда сайловчиларнинг мuddатидан олдин овоз бериш тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайлов жараёнида у ёки бу сабабларга кўра, иштирак эта олмайдиган фуқароларимиз ўз олдидан овоз бериш имконияти яратилган.

Ўз мухбиримиз

Халқ демократик партияси:

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН КУРАШАМИЗ

Ҳаммамиз кўриб, кузатиб, билиб турибмиз, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви халқимизнинг хоҳиш-иродаси, юксак демократик талаблар асосида тобора такомиллашиб бормоқда. Бу жараёнда фуқароларнинг Конституцияимизда белгилаб қўйилган устувор ҳуқуқлари тўла таъминланмоқда, халқимиз кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотларни фаол қўллаб-қувватламоқда.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари юзасидан сиёсий партияларнинг нуқтаи назари, позицияларини билдириш, қатъий туриб ҳимоя қилиш қарорларини мустаҳкамлади. Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партиясининг дастури ҳам янада ҳаётлилашиб,

такомиллашди. Давлатимизнинг демократик ривожланиши йўлида амалга оширилаётган бугунги кенг қўламли ислохотлар шароитида партияимиз ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор стратегик мақсадларни илгари сурди. Аҳолининг ҳаётий эҳтиёжлари ва манфаатлари билан боғлиқ муҳим ва асосли таклифларни ўртага ташлади.

Яхшиин, мулоҳазаларимизни аҳолини ўйлантираётган ижтимоий муаммолар, уларни ечиш учун партия таклифлари мисолида давом эттираемиз:

Давоми 3-бетда. ►

Хато қилганларни кечириб, адашганларга тиргак бўлаётган, таъна қилмай кечираётган юрт яна қайда бор?

Демократик ислохотларнинг ҳуқуқий тамали



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали анжуманда сузлаган нутқи мамлакатимиз ва жаҳон оммавий ахборот воситаларида муносиб шарҳланмоқда.

ОАВда давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон кейинги 28 йил давомида босиб ўтган гоят мураккаб ва шарафли йул ҳамда бугунги кунда кенг қўлмалли ислохотларни самарали амалга оширишда мамлакатнинг Асосий Қонуни — Конституция асос ва илҳом манбаи бўлаётганига эътибор қаратгани қайд этилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг бош ҳуқуқий асоси Асосий қонунимиз — Конституциямиздир.

Асосий Қонунимизнинг барча бўлим ва моддалари мустақил Ватанимизнинг миллий қадриятларини тиклашга, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга, миллий ва диний қадриятлар ҳамда виждон эркинлигини таъминлашга, оилада соғлом ва мустаҳкам муҳитни таъминлашга, халқимизнинг асрлар давомида яратган бой маънавий ва миллий-маданий меросидан оқилона фойдаланишини белгилаб беришга, миллиятлар ва эллар, халқлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни яхшилашга ва Конституциямизнинг пировард мақсади қилиб қўйилган бошқа эзгу мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

Маърузанинг **“Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир”** деб атилашининг ўзидек унинг мазмун-моҳияти тўла англашлади. Қайд этилганидек: “Конституция башариат ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди”.

Маълумки, конституционализмнинг умумбашарий моделида эркинликка энг устувор қадрият сифатида қаралган. Масалан, АҚШнинг Мустақиллик декларациясида фуқаролик жамиятининг белгиланган роли қуйидагича акс эттирилганини кўрамиз — барча инсонлар яшаш, эркинлик, мустақиллик, мулкка эгалик,

бахтли бўлиш ва ҳавфсизликка оид табиий ҳуқуқларга эгадирлар; халқ ҳокимияти манбаи ва суверенитет унга тегишли, ҳукумат халқнинг хизматқоридир. Давлат ҳокимиятининг барча органлари халқ манфаатлари йўлида ҳаракат қилишлари шарт, агар улар халқ манфаатларини поймол этсалар, ўзларининг бевосита вазифаларини бажармас ҳамда биринчи галда халқнинг фаровонлиги ҳақида қайғурмас экан, халқ уни сайловлар йўли билан қайта ташкил этиш ҳуқуқига эгадир.

Президентимиз ўз нутқида ҳам айнан Конституциямиз асосига қўйилган умумбашарий конституцион нормаларга оғишмай амал қилинишга жиддий эътибор бериш лозимлигини ўқитиб ўтдилар: “Қонун устуворлиги — бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир... Шу боисдан ҳам барча бугундаги кадрлар, у ҳоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишимиз зарур”.



Таъкидлаш лозимки, ўтган 27 йиллик тарихий даврда Конституциямиз мамлакатимиз, халқимиз ҳаётининг барча соҳаларини тартибга солаётган миллий ҳуқуқий тизимимизнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, ушбу ҳужжат кейинги уч йил ичида инсон ҳуқуқлари, эркинликларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш кафолатларини тақомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлгани ва унинг бу муҳим тамойиллари ҳаётга оғишмай жорий қилинаётганини таъкидлаш зарур. Зотан, қисқа вақт ичида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиб соҳасида йўл қўйилган қамчиликларни бартараф этиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди, минглаб инсонларнинг топталган тақдирлари ва инсоний қадри-қиммати тикланди.

Маълумки, тарихда ижтимоий ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсиротининг юксалиши натижасида инсоният фаоллашган, микродорий жиҳатдан ўсган, функционал жиҳатдан ранг-баранглашган ва барқарорлашган. Умумий манфаат жамият аъзоларини боғлаб турувчи кучга айланган.

Жамиятимизда рўй бераётган ислохотлар натижасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид турли соҳаларнинг вужудга келиши, ватандошлар фаолиятининг ранг-баранглашуви ва ижтимоий муносабатларнинг янгилаш шакллари намоён бўлмоқда. Ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг турличалиги ҳокимиятга тобе бўлмаган, балки унинг билан тенг, оқилона давлат-хусусий мулк-ий-молиявий муносабатлар ўрнатиши тақозо қилади. Жамият ҳаётининг маълум бир босқичида шериклиқнинг асосий тамойиллари: хусусий шериклиқнинг давлат томо-

нидан тартибга солиниши, давлат-хусусий шериклигининг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш ва тайёрлаш, хусусий шерикни танлаш, хусусий шерик ва кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат-хусусий шериклиқни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳам шаклланади. Конституциямизда кафолатланган мулк-ий ва ҳуқуқий тенглик давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларини амалга оширишнинг муҳим шарт-и ҳисобланади. Президентимиз ўз маърузаларида бу хусусда таъкидлаганларидек, “ҳозирги вақтда айрим тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Аммо соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги каби йўналишларда, аксарият ҳудудларда ҳали бу борада ташаббус умуман сезилмаяпти”. Давлат-хусусий шерикчиликнинг янги-янги шакллари топиш ва уни соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги соҳаларида амалда қўллаш бўйича барчамизнинг олдимизда улкан вазифалар турибди, жумладан, юқорида айтиб ўтилган мулкчилик шаклида МТМ, мактаб ва ОТМлари барпо этишдан чекинмаслик керак. Шу ўринда ривожланган давлатларда таълим муассасаларининг 30-40 фоизи хусусий-давлат шерикчилиги асосида ташкил этилганини қайд этиб ўтиш жоиз.

Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш ва амалга ошириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг зарурий шартларидан биридир. Айниқса, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида либераллаштириш жараёнини жадаллаштириш, қонунлар ижросини таъминлашда давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, жамоатчилик назорати — бу факатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир. Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур”. Яқиндаги “қора совуқ”ларда республикамиз бўйича қисқа муддат ичида (Бош прокуратура маълумотларига кўра) 28 миллиард сўмдан зиёд газ-ёқилги захираларининг талон-торож қилинганлиги жамоатчилик назоратининг ҳар кунлик эҳтиёжига айланиб бораётганини кўрсатади.

Ҳар қандай жамиятда оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги кафолатлаб қўйилган бўлса, у ўз навбатида, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи, эркин фикр билдириш ҳуқуқи, сиёсий плюрализмнинг шаклланишига хизмат қилади. Шу билан бирга, бу масъулият ҳар қандай эркин матбуот жамият олдига масъулигини ҳар дақиқада ҳис қилиши ва жамоатчиликнинг назорати остида бўлишини тақозо этади. Ҳозирги кунда электрон, босма омма-

вий ахборот воситаларидан то ижтимоий тармоқларгача нафақат жамиятни хабардор қилиш, балки жамият манфаатлари нуктаи назаридан давлат фаолиятини назорат қилиш воситасига айланиб бораётгани ва бу жамиятимизда юз бераётган демократиялаш ва модернизациялашнинг муҳим кўрсаткичи сифатида ҳам ўзлигини намоён қилмоқда. Бинобарин, демократик тамойиллар нуктаи назаридан олиб қаралганда ҳам сўз эркинлиги жамият аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ахборотнинг барча қатламларга кенг тарқалишида алоҳида ўрин тутиши керак. Юртбошимиз сўз эркинлиги масаласига ушбу дастурий нутқида ҳам кенг тўхталган: “сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади”, албатта, бу билан қифояланмаслик лозим, Президентимизнинг ўқитишлари-ча “...оммавий ахборот воситалари қонунийлиқни қарор топтиришда чинакам “жамият кўзгуси”га айланиши керак”.

Юртбошимиз ўз маърузасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятлари хусусида ҳам алоҳида тўхталгани бежизга эмас. Маълумки, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик жуда кенг тушунчалар бўлиб, улар бир неча омилни ўз ичига олади. Жумладан, маърифатли, ҳуқуқий маданияти юксак инсон қонунларга итоаткор бўлади, ҳамisha унга бўйсинади ва қонунларга нисбатан ҳурмат билан қарайди. Бундай инсонлар қонунларда белгиланган қоидаларга эид хатти-ҳаракат қилмайди, аксинча, бошқаларни ҳам шунга даъват этади. Ижтимоий-сиёсий фаол фуқаро жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга оғиш муносабатда бўлиб, ислохотларга дахлдорлигини сезиб, давлат ва жамият олдидagi фуқаролик масъулиятини ҳис қилиб яшайди. Афсуски, ҳозирга қадар бу борада маълум муаммолар мавжуд ва улар секинлик билан бартараф этилмоқда. Президентимизнинг маърузасида қуончаклик билан қайд этилганидек, “Яширишининг ҳоҳати йўл, олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўп-кўп қундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда “қонунни четлаб ўтиш” бизнинг шароитимизда ёмон бир одатга айланган эди”. Бу давр ва бу иллатлар орқада қолиши учун эса Асосий қонунимизда аниқ белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятларига ҳам ҳар биримиз қатъиян амал қилишимиз лозим.

Фикрларимизни Президентимизнинг ушбу кутаринки руҳдаги жумалари билан яқунлашни истар эдик: “Ишончим комил, биз мана шундай тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаб, ўзаро ҳурмат ва аҳилчиликни асраб-авайлаб, шукрона қилиб яшасак, Яратганимиз ўз неъматини халқимизга янада зиёда қилиб беради”.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
профессор,
Жулибой ЭЛТАЗАРОВ,
Самарқанд давлат университети филология факультети декани,
профессор.

Муносабат



АХБОРОТНИНГ ЎЗГАРАЁТГАН МАВҚЕИ

Миллий Конституциямиз қабул қилинган куннинг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанادا маъруза қилган муҳтарам Президентимиз кўплаб муҳимдан-муҳим муаммолар қатори оммавий ахборот воситалари ва уларнинг ҳозирги кундаги ҳолати ҳамда вазифалари ҳақида алоҳида тўхталди. Таъкидламоқ керакки, кейинги уч йил мобайнида миллий ахборот майдонимиз “об-ҳавоси” янада мусавфоллашиб сари юз тутди. Жамиятда ахборот олиш ва уни эмин-эркин тарқатиш борасида жиддий янгилашлар кузатилмоқда. Хусусан, интернет тўлқинларида, ижтимоий тармоқларда тарқатилмаётган хабарлар, тафсилотлар, суҳбатлар ва баҳслар ҳам профессионал, ҳам ҳаваскор журналистлар (жумладан, блогерлар)нинг жамиятимизнинг фаол аъзоларига айлантириб бормоқда. Муҳими, жамиятнинг ҳар қандай қатламида юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ҳатто у ёки бу вазир, ҳоким ва ҳоказо раҳбар шахслар томонидан айтилган икки оғиз жумла ҳам зумда жамоатчилик ҳуқуқига ҳавола этилмоқда. Жамоатчилик ҳам ўз навбатида қараб ўтирмаяпти — мулоҳаза, ахборот, мунозара қизгин тус олмоқда.

Ахборот эркин ва озод жамият учун ниҳоятда табиий ҳолат бу. Тўғри, бундай фикр олишувларида ахборот маданияти, сўз айтиш, мунозарача қилишнинг одоби хусусида турфа мулоҳазалар билдириш мумкин, лекин булардан қатъи назар, яратилмаётган оммавий мулоқот имкониятлари жамиятда фикр-муносабат айланишини йўлга қўймоқда, халқимизнинг жуда кенг қатлами ва-килларида дахлдорлик туйғусини шакллантирмоқда.

Давлат органларининг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлагани, хусусан, уларнинг мақоми оширилгани ҳар жиҳатдан инқилобий аҳамиятга эга. Зеро, янгиликларни зудлик билан жамоатчилик эътиборига етказиш демократик жамиятнинг бирламчи шартларидан ҳисобланади. Маърузада айтилганидек, эндиликда “барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак”.

Давлат хизматчилари олдига қўйилмаётган бу каби вазифалар ҳар қайси раҳбар ҳодимнинг замон ўзгаришларига мутлақо ўзгача ёндашувлари зарурлигини тақозо этмоқда. Жамоатчилик билан алоқа раҳбар кадрларнинг мулоқот маданияти, керак бўлса, ахборот маданияти кўзгусига айланмоқда.

“Яна бир марта тақрорлайман, — деди давлатимиз раҳбари, — Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари ва-киллари қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда таъйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди”.

Юксак минбардан алоҳида таъкидлаб айтилган бу сўзлар жамиятимизда ахборот ўзга табиий ва қонуний мавқеига эга бўлиш йўлига ўтаётганидан далолат сифатида узоқ оқилшларга сазовор бўлди. Зеро, ахборотга муносабат ўзгариши муҳитнинг, кайфиятнинг ўзгариши, пировордида эса жамиятнинг мутлақо замонавий ва мутараққий янгилашларга юз тутиши демекдир.

Тўғри, бу борада қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп. Биринчи навбатда, оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунчиликни замон ва давр талаблари даражасига кўтариш, уларга муайян зарур ўзгаришлар киритиш талаб этилади. Қонун талабларининг амалий ижросини таъминлаш ўзини журналистман, матбуот ҳодимман деган ҳар бир қаламқаш зиммасига улкан масъулиятлар юклайди. Соҳада ўзини ўзи бошқариш тизимини яратиш ва шу орқали матбуотни қудратли ва таъсирчан жамоатчилик назоратчисига айлантиришда билим, тажриба, маҳорат ва ҳар қачонгидан уюшқоқлиқни тақозо этади. Соҳа жонқурлари бўлмиш журналистлар, тахририят ҳодимлари, ижтимоий тармоқларда фаоллик кўрсатаётган қалам аҳллари касбимизга энг замонавий андозалар асосида ёндашидиган давр келди. Сўзимизнинг қудрати ҳолислиги, ижодий маҳоратимиз самимиёлиги билан чинакам маънодаги халқ эътирофига сазовор бўладиган замон келди.

Хурийд ДЎСТМУҲАММАД,
адиб.

Авф бу жасорат ва олийжанобликдир

Инсоний фазилатлар ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда бағрикенглик, кечиримлилик кўз олдимизга келади. Бу хислатларни ўзида мужассам қилган одамлар, албатта, эл-юрт олдига эътибор ва эътирофга сазовор бўлади.

Кечира олиш маданияти инсоннинг буюк қалби софлигидан, سخаватию комиллигидан дарак беради. Бундай инсонларнинг изидан нур балқиб туради. Хатони кечириб бу жасорат, одамлиқнинг энг баланд рутбасидир.

Сўнги йилларда жинойят содир этган шахсларни авф этиш бўйича давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 8 та фармони қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жа-

зони ўташ жойларидан озод этилди, оиласи бағрига қайтарилди.

Шунингдек, номини эшитганда инсоннинг вужуди сесканадиган — Жаслиқ кўргонидаги жазони ижро этиш муассасасининг тугатилиши ҳам юртимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалдаги ифодаси бўлди. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий сугурта тўлаш тартиби мамлакатимизда биринчи марта жорий этилди. Демак, Конституция моддаларининг тўлиқ амалга оширилиши учун унинг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланди.

Мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган тизимли ва изчил ислохотлар бугун жаҳонга андоза бўлаётгани ҳам айни ҳақиқатдир. Президентимизнинг ўзи бош бўлиб, ўзи ташаббус кўрсатиб, қўқмай, жасорат билан ўз фуқароларини ҳимоя қилаётганини бутун дунё кўриб,

ҳавас қилмоқда. “Меҳр 1”, “Меҳр 2” операциялари бунга ёрқин мисол бўлади. Уруш ўчоқларидан, таҳлика, нотинч лагердан, жангарилар изғиб юрган макондан 261 нафар аёл ва болаларни олиб чиқишнинг ўзи бўлди”.

Хато қилганларни кечириб, адашганларга тиргак бўлаётган, таъна қилмай кечиравган юрт яна қайда бор? Аллақайси юртларда изидан излаб, хорликдан, зорликдан қутқараётган юрт яна қайда бор. Фақат Ўзбекистонда...

Демак, яхшиликка яхшилик қилиш ҳам марднинг иши. Демак, мард бўлиб, кечирим ва авфнинг қадрига етиб, кўп-кўп яхши ишларга бош бўлсак, кечиримли Ватан олдига юзимиз ёруғ бўлади.

Комила КАРОВОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.



МУАММО ШУНДАКИ, чекка қишлоқ мактабларида ўқув-тарбия сифати тушиб кетгани туфайли қишлоқ ёшлари ОТМларга кириш имтиҳонларидаги кучли рақобатга дош бера олмапти.

Халқ демократик партияси: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН КУРАШАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОНДА
ҚИШЛОҚЛАР ҚАЧОН
РИВОЖЛАНАДИ?



Акмал ТУРСУНБОВЕВ,
Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши бўлим
бошлиғи:

— Айни пайтда мамлакатимизда 113 та олий таълим муассасаси фаолият олиб боради. Шундан 30 таси маҳаллий, 21 таси чет эл ОТМларининг филиалларидир. 2019-2020 ўқув йилида 1 миллион 66 мингдан зиёд абитуриент олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжат топширган бўлса, улардан 130 минг нафарга яқини талабалikka қабул қилинган, холос. Ўқишга кира олмаган 1 миллион нафарга яқин ёшлар сафига кейинги йили яна 500 минг атрофидаги битирувчи ўқувчилар келиб қўшилиди.

Бу рақамлар Ўзбекистонда деярли барча соҳаларда олий маълумотли кадрларга эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатиб турибди.

МУАММО ШУНДАКИ, чекка қишлоқ мактабларида ўқув-тарбия сифати тушиб кетгани туфайли қишлоқ ёшлари ОТМларга кириш имтиҳонларидаги кучли рақобатга дош бера олмапти. ОТМга кирганлари ҳам ўқишни тугатиб, қишлоғига қайтмайди, балки шароитлар нисбатан яхши бўлган шаҳарларда қолиб кетмоқда.

Маҳаллий ОТМларга ўқишга кира олмаган минглаб қишлоқ ёшлари Қозғистон, Қирғизистон, Россия давлатларидаги олий ўқув юртлирига ҳужжат топшириб, катта қийинчиликлар билан олий маълумот олишга мажбур бўлмоқда. Уларнинг дипломи эртага мамлакатимиздан таъин олинадими, йўқми, бу ҳам жиддий муаммо.

Оқибатда олис қишлоқ ҳудудларидаги мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда бошқа ижтимоий соҳа объектларида малакали ва тажрибали мутахассислар етишмовчилиги масаласи ўткир муаммога айланди.

ТАКЛИФИМИЗ ШУНДАН ИБОРАТКИ, партиямиз қишлоқ жойларда ижтимоий соҳа объектларининг бугунги фаолияти талаб даражасида эмаслиги, аҳолига таълим ва тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастилиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида асосан олий маълумотга эга бўлмаган — қишлоқ хўжалиги илмидан беҳабар фуқаролар меҳнат қилаётганини малакали кадрлар етишмовчилигидан, деб ҳисоблайди. Бу муаммони бартараф этиш учун тизимли ислохотларни амалга ошириш зарур, деган ташаббусни илгари сурапти. Хусусан:

1. Энг аввало, юртимизда нуфузли маҳаллий ҳамда хорижий университетларнинг филиалларини очиб ҳисобига олий ўқув юртлири сони ва квоталарни кўпайтириш.

Жаҳон банкнинг статистик таҳлилларига қараганда, Ўзбекистон олий таълим олиш имкониятлари бўйича минтақавий ва халқаро миқёсда энг қулай ўринларни эгаллайди. Мамлакатимизда қарийб 300 минг нафар аҳолига битта ОТМ тўғри келади. Солиштирадиган бўлсак, Россияда 150 минг, Қозғистонда 140 минг, Қирғизистонда 125 минг аҳолига битта олий ўқув юрти тўғри келмоқда;

2. Қайси ҳудудда яшаётган қатъи назар, умумий ўрта таълим олишда барча учун тенг шароитлар яратиш, қишлоқ мактабларида ўқув-тарбия сифатини тубдан яхшилаш;

3. Қишлоқ ёшларини кейинчалик ўз қишлоғида ишлаш шарти билан давлат грантлари асосида олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиш тизимини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш;

4. Шаҳарларга бориб, олий таълим олиш имкониятига эга бўлмаган иқтисодий қишлоқ ўғил-қизларига замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда масофадан таълим бериш, касб-хўнара ўргатишни йўлга қўйиш;

5. Олис қишлоқ ҳудудларидаги мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларида малакали ва тажрибали мутахассисларни жалб этиш мақсадида уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмларини қонунан мустаҳкамлаш зарур.

Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми қишлоқларда яшагани ҳисобга олсак, қишлоқ ёшларининг маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ҳар жиҳатдан ривожлантиришга қодир бўлган малакали кадрларни тайёрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутди.

3 ЁШГА ТЎЛМАГАН БОЛАСИ БОР ОНАЛАРНИ НИМА ҚИЙНАЯПТИ?



Лазиза ШЕРОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
сектор мудири:

— Тегишли ҳужжатларга асосан, ОТМларга болаларни қабул қилиш ёши 3 ёш этиб белгиланди. Бунга болалар 2 ёшдан 6 ёшгача қабул қилинишлари мумкин эди. Шунга қўра, аёл фарзандини дунёга келтирганидан сўнг, 2 йил мобайнида

ҳақ тўланадиган таътилга чиқиши, кейин фарзандини мактабгача таълим муассасасига бериб, ўзи ишлаши мумкин эди. Бу ёш чегараси бир йилга кўтарилди.

Мутахассислар бу ёшни танлашда боланинг жисмоний, рухий-психологик ва бошқа томонлама ўзини тўлақонли эплай олиши назарда тутилганини кўп бора таъкидлашди. Болага ҳеч ким ўз онасидек қарай олмаслигини, унга онадай меҳрибон бўла олмаслигини яхши биламиз.

МУАММО ШУНДАКИ, 2-3 ёш ораллигидаги фарзанди бор оилаларнинг аксарияти ёш оилалардир. Уларнинг кўпчилигида эр ҳам, хотин ҳам ишлайди. Рўзгорини тиклаб олиши, оёққа қўйиши керак, улар учун бир кун ишлаш ҳам фойдали.

Имкониятлардан оқилана фойдаланиб, кредитга уй-жой ва бошқа зарур нарсалар харид қилаётган ёш оилалар жуда кўп. Аммо айрим оилаларда фақатгина эркакнинг тоғлини етмапти. Оила бошлиғи рўзгорини ҳам моддий жиҳатдан таъминлашга, ҳам кредит тўлашга қийналиб қолиши мумкин. Бундай шароитда

аёллар ҳам ишлаб, турмуш ўртоғига ёрдам беришга интилади.

Бироқ, бундай оилаларнинг ҳаммасида ҳам фарзандига қараб турадиган яқин қариндош, буви, яъни ишончли қаровчиси йўқ. Ана шундай шароитда, албатта, оиланинг ягона муаммоси болани унга ғамхўрлик қиладиган боғчага топширишдан иборат бўлиб қолади. Бироқ мактабгача таълим муассасаларида болаларни қабул қилиш ёши 3 ёш этиб белгиланган.

Яна бир масала борки, 2 ёшдан кейин оилаларга бола пули ҳам тўланмайди. Бу эса ёш оилалар, ёлғиз оналар учун қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Кўпчилик аёлларимиз худди шундай муаммолар юзасидан дардини кимга айтишни билмай ҳайрон.

Тўғри, 2 ёшдан ҳам болаларни боғчага қамраб олиш мумкин. Бунинг учун ота-оналар фақатгина нодавлат оилавий мактабгача таълим муассасаларига мурожаат қилиши талаб этилади. Уларда эса нарх-наво жуда қimmat. Улардан фақатгина даромади юқори бўлган оилалар фойдаланиши мумкин. Лекин икти-


мой ҳимояга муҳтож оилалар-чи? Улар қандай йўл тутуши керак. Ишламайман деса, оиласи қийналиб қоладиган, ишламан деса, боласи ҳали 3 ёшга тўлмаган оналар қандай йўл тутуши керак? Бу билан аёлларнинг меҳнат ҳуқуқи чекланмаяптими?

Энди ўйлаб кўрайлик, оилада 2 ёки 3 нафар фарзанд бор. Кичик фарзанд ҳали 3 ёшга тўлмаган. Рўзгорининг каму кўстига ишлатилиб келинаётган давлат томонидан берилаётган маблағ ҳам 2 ёшдан сўнг тўхтатилади. Бундай шароитда қандай йўл тутуши керак? Ёлғиз оналар нима қилиши керак? Бу саволларга жавоб қандай бўлиши ҳақида ўйлаб кўриш зарур.

ТАКЛИФИМИЗ ШУНДАН ИБОРАТКИ, мактабгача таълим муассасаларида 3 ёшдан кичик болалар учун ҳам махсус тарбия гуруҳларини ташкил этиш зарур.

Аёл ишлашга муҳтожми, демек, у бунга ҳақли. Бу унинг қонуний ҳуқуқи. Она оиласи, фарзандлари учун ишлаш истогиди бўлса, онанинг бу хоҳиши чекланиши нотўғридир.

КУН КЎРИШ ЭМАС, ЯХШИ ЯШАШ МУҲИМ ЭМАСМИ?..



Саидали ЮСУПОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши бош
консультанти:

— Ойлик маош инсоннинг турмуш фаровонлиги, яшаш сифатини кўрсатиб беришчи муҳим омил. Ўзбекистонда сўнгги уч йилда юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларнинг ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи сезиларли даражада ошган. Жумладан, юқори ўсиш суръати солиқчи сақлаш, таълим, банк, суғурта, лизинг, кредит ва востанчилик фаолияти, санаят, қурилиш соҳаларида яққол кўзга ташланади. Шу қатори тадбиркорлик фаолиятининг тўққонлиқсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар туфайли тадбиркор, хусусий бизнес эгаларининг ҳам топиш-тутушига янада

баракка кирмоқда. Бугун тадбиркор, дейилса, юқори даромад эгаси кўз олдимизга келади.

МУАММО ШУНДАКИ, бозор иқтисоди шароитида барча тадбиркорлик субъектлари ҳам юқори маош тўланадиган барқарор иш ўринлари ярати олмапти. Хусусий корхонада ишлаш деганда баъзида чет элга товар экспорт қилувчи нуфузли фирмада юқори маош асосида фаолият юритиш тушунилади, баъзида барқарор ва турғун бўлмаган иш, муқофот пули ва бошқа имтиёзлар қўлланилмайдиган иш ҳақи, маошнинг мавсум ва сотув ҳажми камайганда пасайиб кетиши каби ҳолатлар кўз олдимизга келади.

Кичик бизнес субъектларида ишчиларнинг арзимаган маошга кун кечириши ҳолатлари учрамоқда. Масалан, фермер хўжалиқларида ерга экин экиб олиш шарти билан, ойликсиз ишлаётганлар, тикув цехларида мавсумига, иш қўламини кўра, камгина пулга қаноат қилиб меҳнат қилаётганлари кўришимиз мумкин. Ҳатто баъзи хорижий корхона ва ташкилотлар Ўзбекистонга арзон ишчи кучи манбаи сифатида ҳам қарайди. Тадбиркорлик субъектларида ойликнинг камлиги айрим ҳолларда тадбиркорларнинг кўпроқ фойда олиш учун арзон ишчи кучини қидириши сабаб бўлса, баъзи ўринларда юқори маош тўлаш учун имконият ва шароит етарли эмаслиги, иш ҳақини ошириш учун қўшимча имтиёзлар йўқлиги бунга тўққонлик қилади.

ТАКЛИФИМИЗ ШУНДАН ИБОРАТКИ, юртдошларимизнинг меҳнати юқори баҳоланиши, меҳнатига яраша ҳақ олиши ва тадбиркорлик субъектларининг ўртача иш ҳақидан юқори маош тўланадиган барқарор иш ўринлари яратишни рағбатлантириш зарур.

Ойлик маош жилла курса истеъмол саватчаси — муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўлами учун етарли бўлиши лозим. Бу, ижтимоий

ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг устувор ҳуқуқи эканини асло эсдан чиқармаслик керак.

Шуни инобатга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақидан юқори маош тўланадиган барқарор иш ўринлари яратишга рағбатлантириш ниҳоятда долзарб вазифадир.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, юқори маошли иш ўринлари билан таъминлаш қандай имтиёзлар асосида амалга оширилишини белгиллаш зарур. Бунинг учун қўйидаги чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиш лозим:

Биринчидан, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдоридан келиб чиқиб, ижтимоий тўловларнинг дифференциал ставкаларини белгиллаш. Бунда корхона тўлайдиган ўртача иш ҳақи қанча юқори бўлса, ягона ижтимоий тўлов миқдори шунча пасаяди. Натижада корхоналар имкониятлари доирасида ойликларини оширишга интилади. Ойлик юқори бўлган иш ўринларига рақобат асосида малакали мутахассислар сараланиб боради.

Иккинчидан, иш ҳақининг ўртача ҳисобланган номинал миқдоридан паст маош тўлайдиган корхона ва хусусий тадбиркорларга қонунда белгиланган солиқ имтиёзларини қўлламаслик, даромадига эса юқори ставка бўйича солиқ солиш.

Ойлиги рўзгор тебратишга етарли бўлган инсон эртанги кундан кўнгли тўқ, хотиржам яшайди, юрт раънақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилади, ўзга юртларда ризқ теришни ҳавлига келтирмайди. Юқори ойлик таъкиф этаятган тадбиркорнинг ҳам фаолияти кенгайиши, малакали ходимлар билан иш илдамлашига шубҳа йўқ. Биз мустақил Ўзбекистон халқининг фаровон турмуш кечирishi, тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватлашини истар эканмиз, аҳолининг юқори даромад олишини таъминлашимиз лозим, деб ҳисоблаймиз.

УЙ ВА ЯРИМ УМР: ҚАЙ БИРИ ҚИММАТРОҚ?



Дурбек ХУДОЙКУЛОВ,
Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши сектор
мудири:

— Одамларимиз ўзи, оиласи ва фарзандлари учун қўлай уй-жой қўрмагунча ёки унга эга бўлмагунча ҳаловат топмайди. Ўзбек оиласи, бола-чақаси билан ижарама-ижара қўчиб юришни, "қирққа кириб ҳам ўз уйига эга бўлмаслик"ни қабул қила олмайди.

МУАММО ШУНДАКИ, бугунги шароитда орзу-ҳавасдагидек уй-жой қуриш, уни сотиб олиш кўпчилик оилалар учун жиддий қийинчилик тўғдирмоқда. Қурилиш молларининг нархи қimmatлиги туфайли уй кўтариш, янгидан

қурилган, замонавий ёки арзонлаштирилган уйлари сотиб олиш ҳам ниҳоятда қimmatга тушмоқда. Оқибатда айрим ёшлар уй-жойи йўқлиги, ота-онаси унга шароит яратиб беролмаётгани учун оила қуришга ҳадиксирмоқда. Кўплари бошпана учун пул тўлаш мақсадида оғир меҳнатларни қилишга, чет элларда ишлашга, ёмай-ичмай мисоллаб пул йиғишга мажбур бўлмоқда. Тайинли уй-жойи йўқлиги туфайли қатор ёш оилалар бузиллиб кетмоқда.

Вазият шундайки, айрим, балки кўпроқ кишилар бутун умр тоғлан-тутганини ўзи ва фарзандлари учун уй-жой қилишга сарфлайди. Ҳаммасига эга бўлганда эса кучини, соғлигини йўқотган бўлади.

ТАКЛИФИМИЗ ШУНДАН ИБОРАТКИ, уй-жой қайғусида юрган юртдошларимизнинг муаммолари қанчалик яхши тушунади ва бу масалада мамлакатимизда янгича тизим жорий этиш, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари чекланган кишиларнинг манфаатларини ҳимоялаш зарур.

Шуни инобатга олган ҳолда халқимизни, биринчи навбатда, ёшлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини арзон ва сифатли уй-жойга эга бўлиши ниҳоятда долзарб вазифадир.

Бу йўналишда аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш қайси моддий манбалар асосида амалга оширилишини белгиллаш зарур. Бунинг учун қўйидаги

чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш лозим:

1. Дунёнинг қатор ривожланган давлатларида "ҳашамат солиғи" мавжуд. Ҳашаматли ипотека уйларини қураётган компаниялар ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ажратмалар олиб қолиш тартибининг қонунан жорий этиш мумкин. Бу маблағлар махсус фондларга йўналтирилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жумладан, уй-жойи йўқ, яшаш шароити жуда оғир аёллар, "Меҳрибонлик" уйларида тарбияланган шахслар учун арзон уй-жой қуришга сарфлаш кўзда тутилди.

2. Муайян ойлик даромадга эга бўлган, аммо жойларда қурилатган уй-жойларни ипотека кредити асосида харид қилиш учун дастлабки бадал пулини тўлашга қўриб етмайдиган оилалар, ёшлар учун уйни дастлабки бадалсиз сотиб олиш имкониятини яратиш лозим.

3. Ижара асосида яшайётган аксар оилалар ва ёшларнинг уй сотиб олишга қўриб етмайди. Шу билан бирга, улар тоғлан даромадининг катта қисмини уй-жой ижараси учун сарфлайди.

ХУРМАТЛИ САЙЛОВЧИЛАР! Ҳар доим халқ манфаатлари ҳимояси ҳақида ўйлайдиган Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!
БИЗ СИЗНИНГ МАНФААТИНГИЗ УЧУН ҚАТЪИЙ КУРАШАМИЗ!

Номзодлар
сайловчилар билан
учрашмоқда

Жорий йилги сайловлар сиёсий партиялар учун яна бир жиддий сиёсий имтиҳон, шунинг билан бирга, катта тажриба мактаби ҳам бўлмоқда. Бу жараён мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш янги босқичга кўтарилган ўта масъулиятли дамда ўтказилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловда иштирок этар экан, ўз электорати вакиллари хоҳиш-иродасини рўйбга чиқариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Партиямиз дастурида бугунги долзарб ижтимоий масалалар илгари сурилган бўлиб, бунинг замирида халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги ва мамлакат раънақи ётади. Энг муҳими, улар номзодларимиз Сайловолди дастурида илгари сурилган гоёлар билан муштаракдир. Сайловолди ташвиқотида ҳам Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар ана шу сўзларни айтишмоқда.

145-Бодомзор сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Илҳом Сираджев Ўзбекистон Республикаси қурулли кучлари академиясида сайловчилар билан учрашув ўтказди. Номзод эҳтиёжманд оилаларнинг истеъдодли ва қобилиятли фарзандларини қўллаб-қувватлаш учун давлат грантлари тизимини яратиш тақлифи билан чиқди. Унинг амалга ошириш механизми ҳақида атрофлича маълумот берди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун «Баркамол авлод» болалар мактабларига тўловларни бекор қилиш лозимлигини таъкидлади.

144-Дўмбировод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Феруза Мадраҳимованин Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С. Х. Сирожиiddинов номли академик лицейда сайловчилар билан учрашув самимий ва кўтаринки руҳда ўтди. Ушбу тадбирга келган ола-сингилларимиз номзодга ўзларини қизиқтирган мавзуларда саволлар берди. Номзод Феруза Мадраҳимова ўз округида 127 минг нафардан ортқ сайловчи борлигини таъкидлади. У ўз Сайловолди дастурида уларнинг манфаатларини таъминлашни мақсад қилганини маълум қилди.

Номзодларнинг дастури билан танишган сайловчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон ХДП
Тошкент шаҳар кенгаши
Матбуот хизмати.

ЎЙЛАНГ, ФИКР ҚИЛИНГ!

МЕН БИРИНЧИ
МАРТА ОВОЗ
БЕРАЯПМАН.
КИМГА?

Сайлов. Кўп эшитган, кўп кўрган, биринчи марта иштирок этадиган жараёним. Эсимда оиламиз катталари эғнларига яхши кийимларини кийиб, худди байрамга бораётгандек овоз беришга чиқшарди. Биз ҳам қачон сайловда иштирок этарканмиз деб, уларга ҳавас қилардик.

Энди билаёпмизки, бу жуда масъулиятли, жиддий иш экан. Тўғриси, ҳаяжондан, номзодлар орасида кимга овоз беришимни ҳам билмайман. Бу ҳолат битта менда эмас қачон. Тенгдошларимнинг бир-бирларига бераётган саволларидан билаёпманки, уларда ҳам шу ҳолат кузатишмоқда.

Сайлов кунини яқинлашгани сари теле-радиодастурларда бўлиб ўтаётган баҳс ва мунозараларни кўпроқ кузатаёпман. Ҳўш, аслида сайлаш қандай бўлиши керак? Фикримча асосий эътиборни сайланаётган шахснинг партияси берилаётган ваъдаларнинг устидан чиқа оладими, шу пайтгача қандай ишни қийиллатган-у, бундан кейин нимага эриша олади? Шу каби саволларга қайсибир партиянинг муносиб жавоби бўлса, шубҳасиз, мен ҳеч иккиланмай ўша партиядан кўрсатилган номзодга овоз берган бўлардим.

Менимча, шундай қилган маъқул. Чунки сайлаш ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро ўзининг шахсий қарашларига тушунчасига эга бўлиши, овозини бераётган номзодга элу юрт қорига ярайдиган, тўғриси, одил ва ташаббускор инсон бўлиши керак.

Сиз ҳам ўйланг, фикрланг, муносиб номзодларга овоз беринг! Шунда жамиятда илгор, берган ваъдасининг устидан чиқадиган оловқалб депутатлар Олий Мажлис қонунчилик палатасига сайланиб, бизнинг вақилимиз сифатида Жонажон Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшади.

Руслан МАКСИМОВ,
ЎзЖОК талабаси.

Фуқароларининг турмуш даржаси юқори, манфаати устун бўлган мамлакатни, шубҳасиз, ривожланган давлат, деймиз.

Халқ демократик партияси: ФАРОВОН ҲАЁТ, ЎЗАРО ТЕНГЛИК ТАРАФДОРИМИЗ

Фуқароларининг турмуш даржаси юқори, манфаати устун бўлган мамлакатни, шубҳасиз, ривожланган давлат, деймиз. Бундай юртининг инсонлари бахтли, сарҳадлари дахлсиз бўлади. Одамлар ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифодаляди.

Халқ демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсадларини, аввало, Ўзбекистон мустақиллигини асраш ва мустақамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, сарҳадлари ижтимоий барқарорлик, фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳар бир оила ҳамда

бутун халқнинг фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланиб белгилайди. Ўзбекистон тараққиёти стратегиясининг бош мақсади — аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш мақсади ушбу манфаатларга тўлиқ мос келади.

Партия ушбу мақсадга эришиш йўллариини белгилашда, давлат ва жамият томонидан ижтимоий ҳимоя ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож аҳоли қатла-

мининг манфаатларидан келиб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди. Халқ демократик партиясидан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига Тошкент вилоятдан кўрсатилган номзодлар ҳам бу борада ўз режа ва мақсадларига эга.



Хуршидахан КАРИМОВА,
хуқуқшунос, Фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш
органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича
Тошкент вилояти Заңгиота
туман кенгашининг
Ташкилий-ўқувий гуруҳи
1-тоифали мутахассиси,
22-Назарбек сайлов округидан
номзод:

— Муносиб ҳақ тўланадиган иш жойига эга бўлиш, қулай имконият ва шароит асосида меҳнат қилиш инсон учун энг ҳаётий ва ишончли ижтимоий ҳимоя саналади. Бу орқали унинг орзу-истаклари рўёбга

чиқиб, фарзандлари камолоти йўлидаги бекиёс таянч воситасига эга бўлади. Халқ демократик партияси ушбу масала кечиктириб бўлмайдиган ва ҳал этилиши зарур энг муҳим вазифалардан биридир, деб ҳисоблайди. Партиямиз дастурий мақсад ва гоёларидан хабардор аҳоли вакиллари учрашувларда кўпроқ мана шу масалага эътибор қаратмоқда.

Дастурларимизда ўрин олган ташаббусларга қўшимча равишда ўзимизга келгуси режаларни белгилаб оляимиз. Хусусан, партия аҳоли бандлигини таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳамда бошқа тегишли қонун ҳужжатларига зарур ўзгаришларни киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва парламентдаги фракцияси орқали қонунчилик ташаббуси сифатида олиб чиқишни кўзда тутган. Ўйлайманки, бу йўлда биз бош ташаббускор бўлмоғимиз керак.



Темур ШУКУРҲУЛЛАЕВ,
Тошкент автомобиль йўллари
лойиҳалаш, қуриш ва
эксплуатацияси институти
проректори, 43-Пискент сайлов
округидан номзод:

— Фуқароларнинг бандлигини таъминлашдан, уларнинг қўндалик эҳтиёжларига муносиб ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб қилмасдан туриб, тараққиёт ҳақида гапириш нотўғри. Зотан, ижтимоий масалаларнинг асосий очими ҳам мана шунга боғлиқдир. Ўз ўрнида инсон доимий ва муносиб иш ўрнини эгаллаши учун у бирор бир касб ёки ҳунар соҳиб бўлиши лозим. Демак, ёшларни ўқитиш, таълим самарадорлигини ошириш, олий таълимда барча учун тенг имкониятлар яратиш лозим.

Хусусан, тўлов-шартнома асосида таҳсил оладиган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига имтиёзли таълим кредитларини ажратиш бўлса, яна бир муҳим масала, ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълим муассасаларида ўқиши учун имкониятларни кенгайтириш. Уларнинг бинога, синф ва хоналарга тўқисиз, бемалол кириб-чиқишига шароит яратиш, аудио визуал ҳамда брайл ёзувидаги адабиётларни қўлайтириш, компьютер технологияларидан фойдаланиши учун қулайликлар жорий этиш муҳим ҳисобланади.



Анвар АХМЕДОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши
қошидаги Санатория ва
курортлар бошқармаси
бошлиғи, 11-Саноатчилар
сайлов округидан номзод:

— Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни меҳнат фаолияти давомида ҳимоя қилиш ҳамisha партиямизнинг устувор йўналишлардан бўлиб келган. Бундан кейин ҳам ушбу амалиётни давом эттирган ҳолда, олис кишлоқ ҳудудларидаги мактаблар, кишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларига малакали, тажрибали мутахассисларни жалб этиш мақсадида партия бундай ҳодимларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш механизмини қонунчиликда мустақамлаш бўйича таклиф тайёрлаш, уни парламентдаги фракцияси орқали қонунчилик ташаббуси сифатида илгари суришни режалаштирган.



Азамат РАХИМБОВЕВ,
Янгийул тумани,
74-оилавий поликлиника
шифокори, 58-Навбахор
сайлов округидан номзод:

— Бандлик, меҳнат қилиш ҳуқуқи инсон учун энг ҳаётий ва ишончли ижтимоий ҳимоя бўлса, саломатлик ана шу ҳуқуқдан эмин-эркин фойдаланиш имконини берувчи манба ҳисобланади. Шундай экан, Халқ демократик партияси жамиятнинг ҳар бир аъзосига саломатлигини мустақамлаш учун тенг имкониятлар яратишни тарафдор. Бунинг учун қонунчиликда соҳага доир янги меъёрлар, тартиб-қоидалар жорий этилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, партия "Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида"ги қонунини қабул қилиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этмоқда. Бу орқали аҳолининг алоҳида тоифаларига ажратиладиган дори-дармон, протез-ортопедия воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий ёрдамни имтиёзли тақдим этиш тизимини такомиллаштириш ҳамда самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкони ортади.



Малика КАДИРХАНОВА,
муҳандис-технолог,
Тошкент вилояти
хотин-қизлар
тадбиркорлиги
маркази директори,
29-Ўнқўрғон сайлов
округидан номзод:

— Бандлик сўбатининг муҳим шартларидан бири бу хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласидир. Шундан келиб чиқиб, партия уй меҳнатини ташкил этишининг янги самарали шакллари ривожлантиришга ҳаракат қилади. Хусусан, мактабгача ёшдаги бола тарбияси билан машғул бўлгани боис ишламайдиган аёллар учун уй меҳнати ҳамда уларнинг давлат-хусусий шериклигининг тегишли шаклларидаги иштирокини ошириш бўйича эҳтиёжларини аниқлаш ва ишлаб чиқилган таклифларни халқ депутатлари Кенгашларидан кўриб чиқишни режалаштирган.



Бегзод МИРЗАХМЕДОВ,
"БЕК" эсклизини смарт МЧЖ
раҳбари, 51-Эски Тошкент
сайлов округидан номзод:

— Ижтимоий иқтисодиёт барчанинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда партия маҳаллий ҳокимиятлар даражасида ҳудудларнинг истеъмол товарларга эҳтиёжини ўрганиш ҳамда аҳолининг ўсиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол талабини ривожлантириш режасини тайёрлаш зарур. Бунда, тегишли ҳудудларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун зарур ресурслар мавжудлигига эътибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ушбу ҳолат ички бозорда тақчиллик келтириб чиқармаслиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархини ошириб юбормаслиги лозим, деб ҳисоблайди. Ана шунда сотувчининг ҳам олувчининг ҳам манфаатларига пулур етмайди.

Халқ демократик партияси номзодлари ўз дастурларида кўрсатиб ўтилган устувор вазифаларни илгари сурар экан, бошқа сиёсий партиялар билан сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашлари учун бўлаётган соғлом рақобат шароитида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида таъсирчан парламент фракциясини яратишни таъминлайдиган муносиб ўринга эришишни режалаштирмоқда. Сайловчилар барча учун тенг имконият, мақбул шароит яратиши билан боғлиқ гоёларни қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» газетаси муҳбири.

САЙЛОВ — 2019

Халқ демократик партияси номзодларига овоз беринг!

72-Гулистон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатлигига номзод Гулчехра Исламова Оқолтин туман, "Аҳиллик" маҳалла фуқаролар йиғинида катта тарғибот тadbири ўтказди. Номзод Халқ демократик партиясининг Сайловолди Дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифалар ҳамда ҳудуддаги муаммолардан келиб чиқиб, ўз сайловолди дастури ҳақида гапирди.

Хусусан, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархлари ҳамда рўйхатини белгилаш давлат томонидан тартибга солинишини қонуний жиҳатдан мустақамлаш таклифини илгари сурди. Бундан ташқари, мулкчилик шаклидан ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, аҳолининг бошқа заиф қатламларини ҳар йили тўлиқ ихтисослаштирилган юқори технологияли тиббий хизматларини қўллаш йўли билан бепул тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш масаласи ҳам дастурий устувор йўналиши сифатида белгиланган. Бу орқали ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли вакиллари учун қўшимча имтиёзлар яратилади. Мазкур амалиёт барча турдаги оилавий поликлиникаларни аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишда зарур бўладиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашни ҳам ўз ичига олади.

Кишлоқ жойларда тиббиёт соҳаси мутахассислари, малакали кадрларга эҳтиёж катта. Ана шундан келиб чиқиб, ўзлари яшаган кишлоқ аҳоли пунктларида ишлаш шарти билан кишлоқ ёшларини давлат грантлари асосида олий педагогик, тиббиёт ва бошқа мутахассисларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларига кириши учун имтиёзли шароитларини жорий қилиш керак, деб ҳисоблайди. Бунинг учун турли имтиёзли кредитлар, субсидиялар тизимидан фойдаланиш мумкин.

Номзод дастурида, шунингдек, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига 3 ёшга тўлгунча бола парваришлаш таътилларида бўлиш вақтини тўлиқ қўшиб ҳисоблаш, барча учин сифатли ва кафолатланган таълим тизимини жорий этиш ҳамда бошқа қатор йўналишларда вазифалар

белгиланган. Уларни амалга оширишда қонунчилик ташаббуси билан чиқиш, аҳоли хоҳиш-иродасини ўрганиш орқали таклифлар тайёрлашни режалаштирган.

Учрашувда номзод ўз дастури билан йиғилганларни таништирар экан, уларнинг саволларига ҳам жавоб берди. Ўзининг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларини тўлалигича таништириб ўтди.

Оқолтин тумани "Аҳиллик" МФЙ фуқаролари тadbир якунида сайловчилар номзодни ҳамда партиямиз гоёларини қўллаб-қувватлашини билдиришди.

Ўзбекистон ХДП
Сирдарё вилоят кенгаши
Ахборот хизмати.

Самарқанд вилоятида ҳам номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Уларда аҳолига Ўзбекистон ХДП мақсад ва гоёлари, номзодларнинг дастурлари ҳақида тўшунчалар берилляпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 60-Пайарик сайлов округидан номзод Улугбек Вафоев Жомбой туманида сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Номзод Ўзбекистон ХДП сайловолди дастурида халқ манфаатлари ҳамма нарсадан муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, сайловчиларни қизиқтирган савол ва муаммоларини бартараф этиш чоралар тўғрисида ҳам айтиб ўтилди.

Ўзбекистон ХДП
Самарқанд вилоят кенгаши
Ахборот хизмати.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши вилоят марказидаги З.М.Бобур номли мусикали драма театрида "Янгилаётган Ўзбекистон, янги сайлов" шiori остида партиянинг янги форматдаги наъмунавий тарғибот акцияси ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси А.Нурматов иштирок этди ва маъруза

қилди. Tadbir davomida Oliy Majlis Qonunchilik Paltatasi deputatligiga partiyamiz tomonidan kursatilgan nomzodlar M.Isakova, G.Satimova, T.Mamajonov, E.Babonolov suz olib, ularining saylovoldi dasturlarida belgilangan vazifalar haqida tuxtalib utdilar.

Xavaskor xonandalar hamda Andijon shaxar 3-son bolalar musika maktabining iqtidorli yuvchilari ularining guzal kuy-qushqlari hamda raxslari bilan barchani kайфияtlariga kutarinki ruh bagishladil.

Ўзбекистон ХДП
Андижон вилоят кенгаши
Ахборот хизмати.

25-Сабзор сайлов округидан Тошкент шахар Кенгаши депутатлигига номзод Танзила Норбоева ҳам Олмазор туманидаги 28 умумий ўрта таълим мактабиде сайловчилар билан учрашди.

Номзод бугунги кунда тиббиёт соҳасига катта эътибор қаратилиб, ислохотлар амалга оширилаётгани ҳақида гапирди. Шу билан бирга, мазкур тизимда аҳолини ўйлантираётган масалалар ҳам йўқ эмаслигини айтиб, ҳар бир депутат мана шу муаммолар устида бош қотириш лозимлигини таъкидлади. У ўз сайловолди дастурида мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун юқори технологияли тиббий хизматлардан фойдаланган ҳолда ҳар йили бепул тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш таклифи билан чиқаётгани ҳақида маълумот берди.

Учрашув сўнггида Танзилла Норбоева сайловчиларни қизиқтирган саволларга партия Сайловолди дастурига асосланган ҳолда жавоб берди.

147-Тўқимачи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Гулшан Асатова сайловчилар билан учрашди. Ишончли вакил йиғилганларни номзоднинг таржimai холи билан таништирди. Шундан сўнг

Гулшан Асатова ўз сайловолди дастури ҳамда амалга оширмакчи бўлган масалалар хусусида тўхталиб ўтди.

— Фаолиятим мобайнида қўпгина опа-сингилларимиз билан суҳбатда бўлганман, — дейди номзод Гулшан Асатова. — Мулоқот жараёнида уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишга ҳаркат қилганимиз. Албатта, ўз ўрнида амалий кўмак ҳам берилган. Бироқ шундай муаммолар ҳам борки, уларнинг ечимини учун қонунчиликка зарур ўзгариш киритиш керак бўлади. Агар депутатликка сайлансам, бунга алоҳида аҳамият қаратаман. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатламига арзон турар жойлар қурилишини кенгайтириш учун қатъий ҳаракат қиламан.

Эл сўйган санъаткор Муяссар Бердиқулова ҳам номзод ҳақида ўзининг илиқ фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис қонунчилик палатасига кўрсатилган номзод — Гулшан Асатова овоз беришга чақирди.

Номзодни Халқ демократик партияси томонидан ўтказиладиган тиббий-акциялар мобайнида учратганман, — дейди у. — У ўзининг фидойилиги, жонкуярлиги билан атрофдагиларнинг меҳрини қозонган. Гулшан Асатова депутат этиб сайланса, аҳоли манфаатлари учун астойдил ҳаракат қилишига ишонаман.

Тadbir davomida Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамид Тошпўлатов ҳам номзоднинг фазилатлари, электрот вакиллари манфаатлари йўлидаги фаолияти хусусида гапирди.

Санъаткорларнинг бадийи қиқишлари иштирокчиларнинг кайфиятини кўтарди. Шунингдек, номзод Ўзбекистон тарихи давлат музейида ҳам 9231 ҳарбий қисмдаги сайловчилар билан учрашди. Tadbir kutarinki ruхda utdi.

Йиғилганлар ўларини қизиқтирган саволлар билан номзодга мурожаат этишди. Гулшан Асатова саволларга партиямизнинг Сайловолди дастуридан келиб чиқиб атофлича жавоб берди.

Ўзбекистон ХДП
Тошкент шахар кенгаши
Ахборот хизмати.

ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР ОДАМЛАР

«Нуроний»

жамғармаси туман
бўлими раиси
Абдуалим Азимовнинг
хонадони ҳам,
ишхонаси эшиги
ҳам мурожаат этиб
келувчилар учун
доимо очик. Сабаби
отахон 3-Каттақишлоқ
сайлов округидан
Булунғур туман
кенгашига депутат
этиб сайланган.

Депутатлик ишончни оқлаш, дегани

Етмиш ёшни қоралаб бораётган эл оғаси чарчаш нимагини билмайди. Хали бирон бир тоби қочган нуроний ҳолидан хабар олиш учун, гоҳо низоли оилалар хонадонига уларни яраштириш учун шошиб кетаётган бўлади. Йул-йўлакай сайловчилари мурожаати юзасидан 3 ва 20 — умумий ўрта таълим мактабларидаги таъмирлаш ишларидан хабар олади. Асли касби қурувчи-муҳандис бўлгани учун ҳам туманда соҳани у кишидан яхши биладиган одам йўқ. Ҳамманинг маслаҳатгўйи, оғаси. Ватаним, элим-юртим деб ҳоловат билмай меҳнат қилиш шу кишига ҳос.

Элпарварлик қон-қонига сингиб кетган отахон туманда ноқонуний фаолият юритаётган мардикор бозорини тизимли тартибга олиш юзасидан 2017 йил ноябрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига таклиф билан депутат сўрови юборди. Келган жавобда бу таклиф инобатга олинди, ҳукумат тасарруфига юборилгани, ҳал этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши ҳақидаги маълумот бор эди.

Масала шу эдики, туман партия Кенгаши жамоатчилик қабулхонасига келган мурожаатлардан бирида марказий маданият уйи биноси 1936 йилда бунёд этилган бўлиб, ҳозирги кун талабларига жавоб бермаслиги таъкидланиб, янги бино қурилишида ёрдам сўралганди. Мазкур муаммолар масалага ижобий ечим топиш масаласи депутат А.Азимовга топширилди. Депутат масалани ўз ваколати даражасида атофлича ўрганиб, 2018 йилнинг декабрь ойида Республика Маданият вазири Б.С.Сафуллаевга депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Тошкентдан депутатга вазир ўринбосари О. Назарбеков имзоси билан қувончли хабар келди. Янги маданият маркази қурилиши учун 4 млрд. 500 млн. сўм маблағ ажратилибди. Шу кунларда икки қаватли замонавий бинонинг деворлари кўтарилиб, пардозлаш ишлари давом этмоқда.

Абдуалим Азимов кекса ва тажрибали раҳбар ҳамда депутат сифатида партиядан сайланган 7 нафар халқ депутатлари туман кенгаши депутатларига устозлик ҳам қилади.

Яқинда Самарқанд вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи И.Ҳамраёвга депутат сўрови жўнатиб, халқ депутатлари вилоят кенгашининг жорий йил 27 февралда бўлиб ўтган 62-сессиясида транспорт хизмати кўрсатиш тўғрисидаги масала кўрилгани, ушбу сессия қарорларининг ихроси юзасидан маълумот беришни талаб қилди. Ушбу сўровномага ҳам тегишли жавоб олишга муваффақ бўлди.

Депутатнинг яхши одатларидан бири ўз фаолияти, депутат сўровномаларининг моҳияти ҳақида туман газетаси саҳифаларида ҳам тез-тез туркум мақолалари билан чиқишлар қилиб туради. Отахон узоқ йиллардан буён меҳр қўйиб, ардоқлаб келаётган ЎзХДП партияси, унинг сиёсатини тарғиб этиб чарчамайди. Жамоатчилик яна бир бор ишонч билдириб, у кишининг номзодини халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига кўрсатишди. Ўйлаймизки, элу юрт хизматида доимо шай бўлажак депутатга сайловчиларимиз ишонч билан овоз беради.

Мамашариф НЕМАТОВ
Булунғур тумани.

Президент мактабида дарслар Кембриж университети экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида олиб борилади.

ЧИРОҚЧИДА, САЙЛОВ АРАФАСИДА...

Орзулар, режаслар, умидлар



ШУ КУННИНГ ШУКУҲИ

— Бизнинг қандай шароитда деҳқончилик қилишимиздан хабарингиз бордир, — деб қолди бир куни Чироқчи туманидаги «Ҳожи ота Рўзиев» фермер хўжалиги раиси Отабек Рўзиев. — Собиқ Файзулла Ҳўжаев номли хўжалик ҳақида эшитгандирсиз?

— Бир йўлим тушганди, Самарқанд вилоятига ёндош ерлар, адашмасам. Қўли шамол йўлида жойлашган экансизлар.

— Ана, билар экансиз, — дейди Отабек. — Баъзан бу ерларда даъфатан шамол кучайиб, илдизи бўшроқ дарахтларни ҳам қўпариб кетади. Менимча, ваҳода энг оғир шароит бизда бўлса керак. Шунга қарамай, астойдил меҳнат қилдик. Ғалла мўл бўлди. Қўплар эллай олмади, 50 гектар ердан яхши ҳосил олиб, зиммасизга олган пахта режамизни ҳам уддаладик....

Орадан бироз вақт ўтиб, айни сайлов арафасида Чироқчи туман ҳокими, касби иқтисодчи, Хуррам Жўраев билан учрашиб қолдик. Анча йил вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган. Энди-энди туманнинг асл муаммолари билан юзма-юз келаяпти. Тегишли маълумотларни ҳокимлик бўлиmlаридан олишга қилишиб, ишга киришдик.

Чироқчиликлар лалми ғалла етиштиришда моҳир. Касбим тақозоси билан ғаллазорлар, яйловлар, пахтазорларни қўп кезганман.

Назаримда, пахта учун ажратилган 7,5-8 минг гектардан ошдиқ ернинг анча қисми шартли сугориладиган ҳолга келган, баланд-паст. Сўралган ҳосилни олиш осон бўлмади.

Бу ердаги энг муаммоли масала — зарур техникаларнинг етишмаслиги. Шу боис ҳокимликда янги техника билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида эшитгандим. Бунинг учун Еттитом мавзесида қишлоқ хўжалик техникалари қўргазмаси ташкил қилинган, дейишди. Фермер ва деҳқонлар ўзларига қулайларини танлашдади, кредит масалаларини ўрганишдади, соҳа мутахассислари ҳар қандай масалага керакли ечимни топиб беришга ҳаракат қилади. Бундан буён «олма пиш, озғимга туш» қабилда эскича ишлаб бўлмайди, фермер хўжаликлари уюшқоқлик билан туман иқтисодини ўнглашлари лозим. Қарши туманида ип-йигирув корхонасини бунёд этган хитойлик сармоядор туманда бундан кейин кластер усулида пахта етиштириш амалиёти ҳақида гапириб берган-

ди. Ростақамига бу тарихий воқеа — чироқчиликларнинг ота бобоси ҳам бу усулда меҳнат қилишмаган, энди умидли, истиқболли йўллар очиларди.

— Ҳозир ҳамманинг оғзида шу. Туманимиз аҳли бўлажак депутатлар — турли партиялардан кўрсатилган номзодлар билан учрашганда айнан ана шу кластер усулининг келажаги, меҳнатга янги муносабат ва бошқа ўнлаб муаммоларни қандай ҳал қилиш йўллари, бошқача айтганда, қониқиб меҳнат қилиш, кўпроқ самара қўриш ҳақида сўрашмоқда, — дейди Ҳўрхўр Ғаниев. — Олдинги сайловда бир киши Олий Мажлис, икки киши вилоят кенгаши ва беш киши туман кенгаши депутатлигига сайланган эди. Бу сафар ҳам умидимиз катта. Номзодларимизни тарғиб қилиш жараёнида кўрпачи, учрашувлар қизгин ва қизиқарли ўтапти. Очиғини айтмай, одамларимиз ниҳоятда фаол.

Ҳақиқатан ҳам, чироқчиликлар бугун ҳар қачонгидан ҳаракатчан. Эндигликда фақат ерга уруғ қадаб, ҳосилни қўтиб ўтириш билан иқтисодиётни кўтариб бўлмайди. Янгича ишлаш, изланиш ва ортирилган малакага таяниб, келажак интиланганга толе ёр бўлади. Аҳоли сони ҳадемай 500 мингга етадиган ушбу туманда ҳали қўплаб янги иш ўринлари, катта-кичик корхоналар яратилиши керак.

Ҳозирча туманнинг табиий захира-лари, имкониятларидан тўла фойдаланилгани йўқ. Муаммолар ҳам анчагина.

Биз туман мактабга таълим бўлими бошлиғи Эркабой Боймуродов билан учрашмоқда.

2017 йил мактабга таълим вазирлиги тузилганда Чироқчи туманидаги 3-7 ёшли 42 мингдан ошдиқ боланинг атиги 2-3 фоизи боғчага қатнади, холос. Яна бир маълумот — вилоятда бўлганидек туманда ҳам мустақиллик йилларида битта ҳам боғча биноси қурилмаган, қўплаб иморатлар асоссиз сотиб юборилган. Эркабой Боймуродов бўлим раҳбари бўлиб ўтган, аҳвол тубдан ўзгара бошлаганди. Ҳозир ўнлаб янги бинолар ишга тушмоқда, айниқса, оилавий боғчалар 50 тага яқинлашиб қолди. Узоқ қишлоқлардан бирдаги инглиз тили ўргатиладиган «Салом, азиз болалар!», деб номланган хусусий боғча фаолияти ҳақида одамлар қониқиб билан гапиришмоқда. Эркабой ҳам анчагина ана шундай янгиликлар билан таништирди.

— Депутатликка номзодлар сайловчилар билан учрашганда қачон боғчалар қўлайиши масаласи ҳам қўйилмоқда, — дейди Эркабой Боймуродов. — Ахир бугунги куннинг талаби шундай. Сизни 300 ўринли боғчага бошлаб келганимизнинг сабабини ўзингиз тушиниб олаверинг. Ҳақиқатан ҳам, боғчага талаб катта. Ҳозир эски бина капитал таъмирланмоқда. Янги ҳокимимиз катта эътибор бераёпти. Маблағ маҳаллий бюджетдан ажратилмоқда.

— Ушб келибсизлар, — дейди ҳовлида қурилиш ашёлари таҳланган қўшқаватли бинони кўздан кечираватганимизда «Жўра бобо» хусусий қурилиш ташкилоти иш бошқарувчиси Шохрух Ҳўрхўр. — Таъмирлаш ишлари учун 945 миллион сўмдан ошдиқ маблағ зарур. Вақтида ажратилса, ишдан ошдиқ тезлашиб кетарди. Ташкилотимиз 1997 йилдан бери фаолият кўрсатади. Бу йил 13 та боғча биносини таъмирлаб бердик. Ҳали кўрасиз, ушбу иншоот шу қадар чирой оцадики, ҳавасингиз келарди. Энг муҳими, бу ерда барча шароит, табиий газ ҳам бор.

Шу куни Чироқчи шаҳридаги давлат-шерикчилик асосида қулаётган «Чарагон юлдузлари» МТТга ҳам бордик. Илгари дам олиш маскани бўлган бинолар қайта таъмирланиб, 150 ўринли боғчага айлантирилди. 40 йилдан буён рус тили ва адабиёти фанидан

сабоқ бериб келган Саломат опа Тангриқулова кичкинтойларга яратилган шароит билан таништирди, унинг ўзи ҳам ҳозир тарбиячи бўлиб ишлаётган экан.

Туманда оилавий боғчалар қўлайиб бормоқда. «Дам» МФЙ ҳудудидаги Шохиста Аҳмедова раҳбарлик қилаётган оилавий боғча биноси чиндан ҳам намунали экан. Жами 25 бола учун барча шароит муҳайё. Машгулот, овқатланиш, кўнгилли ҳордик чикариш учун ажратилган хоналар талаб даражасида жиҳозланган.

— Биз оила аъзолари билан кенгашиб, 3 ёшли ўғлимиз Бунёд-жонни шу боғчага қўйдик, — дейди тадбиркор Искандар Қобилор. — Хотиржаммиз, шароити, тарбиячилари яхши. Энди сайловга келсак, шахсан мен барча номзодларнинг иқтидори, ҳаракат режасига қараб танлайман. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Туманимиз юксалишини истайман.

Ана шундай. Ким билан суҳбатлашмайлик, Чироқчидаги бугунги янгиликлар, сайловдан қўп нарсаларни қўтишаватгани ҳақида гапиришарди. Бу рост. Бўлажак депутатлар нафақат давлат органларини шакллантириш, балки тараққиёт учун ҳам масъулдирлар.

Сафар давомида бир қанча ҳудудларда, чунончи, Чироқчидаги 518-сайлов участкасида ҳам бўлдим. Аҳоли дам олиш масканида жойлашган экан. Бу ерда сайловчиларнинг ўз танлаган номзодларига эркин овоз беришлари учун барча шароит яратилган. Сайловда оид қўлланмалар етарли. Сайлов комиссияси аъзолари — 1-мактаб директори Раёно Беғимова, бошланғич синф ўқитувчиси Фазилат Ҳайтовалар билан суҳбатлашаман.

— Маҳалламизда 4 мингдан ошдиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди сайлов участкасига келган «Чироқчи» МФЙ раиси Сулув опа Бердиқулова. — Ҳаммамиз ахил, тадбиркорлар қўп. Биргина «Буюрсин» кичик корхонасида юздан ошдиқ чевар меҳнат қилапти. Бугун барча сайловчиға қақирқ қозғолири етказилган, тартиб-қоидалар билан таништирилган.

Бу ерга ҳозирданқоқ шунчаки қизқиш билан келиб-кетадиган ёшлар қўп экан. Уларнинг бирдан: «Ким учун овоз берасиз?», деб сўрадим. У аввал уянишларга туриб, кейин дадил жавоб берди:

— Жонажон юртимиз — Ўзбекистон учун овоз бераман!..

ЮНУС УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ХУШХАБАР

Юртимизда кенг ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги кунда ҳар соҳадаги янгиликлар ва ривожланишларни қўриб қўзимиз қувнайди. Айниқса, таълим тизимида бўлаётган ўзгаришлар, халқаро экспертларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги «Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган Президент мактаби иқтидорли ёшлар учун ўз кучогини очмоқда.

НУКУСДА ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ОЧИЛДИ



Жорий йил 11 декабрь куни Нукус шаҳрида Президент мактабининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М.Ер-ниязов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси-нинг биринчи ўринбосари А.Саъдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ш.Шерматов, Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директори С.Бабаходжаев ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар, уларнинг ота-оналари иштирок этиди.

Маросимда сўзга чиққанлар тадбир иштирокчиларини Нукус шаҳрида ҳам Президент мактабининг очилгани билан қизгин табриклади.

— Мен ота-она сифатида жуда қувончдаман. Ўғлим Маҳмудов Алпамыс 5-синфга ўқишга қабул қилинди, — дейди биз билан суҳбатда Алишер Қўтлимуратов. — Ўзим ҳам ўқитувчиман. Уларнинг заҳматли меҳнатини яхши ҳис этаман. Энг асосийси, битта ўринга 89 киши талабдор бўлиб, 24 ўқувчи орасида ўғлимнинг бўлганигидан ғурурдим. Албатта, Нукус шаҳридаги 46-умумий ўрта таълим мактаби жамоасига катта миннатдорлик билдираман. Шунингдек, ўғлимга Президент мактабининг дастлабки кўнғирогини чалиш бахти насоб қилганиги бизнинг оиламиз ҳаётида тарихий воқеа бўлиб қолади. Президентимизнинг мамлакатимиз чекка ҳудудларидаги ёшларга қаратаётган эътибори учун миннатдоримиз.

Маросимда мактабининг раъзий қалити мактаб директори топирилди ва янги ўқиш кўнғирогини биринчи кўнғирогини чалинди. Шундан сўнг мактабининг тантанали очилиш лентаси кесилди. Меҳмонлар янги иш бошлаган мактабининг ўқувчилари учун яратилган шарт-шароитлар ва ўқув жараёнлари билан танишди.

— Мен бу ерда информатика фанидан дарс бераман, — дейди Нурлибек Татлымуратов. — Президент мактабида таълим оладиган ўқувчилар учун жуда катта имконият мавжуд. Мактаб замонавий услубда, жаҳон стандартларига мувофиқ тарзда юксак дид билан қурилган. Илм маскани марказида каттагина кутубхона бор. Ўқув жараёни «STEAM — таълим» дастури (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — техник ижодкорлик, Art — санъат, Mathematics — математика) бўйича олиб борилади, бу эса иқтидорли ёшларнинг фикрлаш қобилияти, ирода, ижодий салоҳияти, мослашувчанлигини ривожлантиришга имкон беради. Ушбу йўналишдаги дарслар тўлиқ инглиз тилида олиб борилади. Айни пайтда мактаб «STEAM» методологияси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминланган.

Мактаб 168 ўринли бўлиб, 2 қаватли ўқув биноси, ошхона, 3 қаватли ётоқхона, хорижий ўқитувчилар учун 15 ўринли меҳмонхона мавжуд. Ҳар бир синф хонада интерактив доска ва таблолар, Science хоналарида алоҳида лаборатория хоналари мавжуд. Жорий йилда мазкур мактабининг 5-10 синфлариға ҳужжат топширган 7,5 минг нафардан зиёд ўқувчидан 144 нафари қабул қилинди. Келаси ўқув йилидан бошлаб ҳар йили 5-синфга 24 нафар ўқувчи қабул қилинади.

— Мен Кегайли туманидаги 2-сон мактабидан келганман, — дейди суҳбатдошимиз мактабининг 8-синф ўқувчиси Шерзод Пишанбаев. — Бизларга шундай шароит яратган муҳтарам Президентимга, давлат раҳбарларига миннатдорлик билдираман. Нуфузли ўқув масканида иқтидорли ўқувчилар қаторида бўлишимга ота-онамнинг, устозларимнинг меҳнатлари тўғрисида эришдим. Президентимизнинг бизга бўлган ишончини оқлаб, Ватанимга нафи тегадиган инсон бўлишга ваъда бераман.

Президент мактабида дарслар Кембриж университети экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида олиб борилади. Мактабга 8 нафар хорижий юкори малакали мутахассис ҳамда 23 нафар маҳаллий ўқитувчи жалб қилинган. Улар ҳам халқаро таълим таъло-лари асосида махсус имтиҳонлар орқали танлаб олинган.

— Биз ўқувчиларга халқаро даражада дарслар ўтишга ҳаракат қиламиз, — дейди биз билан суҳбатда Жанубий Африкадан келган ўқитувчи Лемето Ли. — Аввал Вьетнам, Дубайда дарс берганман. Президент мактабида дарс оладиган ўқувчиларнинг имкониятлари катта. Мен биламан, улар эртага албатта сизларнинг ишончлигини оқлайди.

Президент мактаблари битирувчилари белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган шаходатнома, аттестат билан бир қаторда, халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи (International Baccalaureate, Advanced Placement ёки International Advanced Levels)га эга бўлади. Бу хорижий олий ўқув юртиларига кириш имконини беради.

Шунингдек, Президент мактаби интернат тармоғига уланган ҳолда фаолият кўрсатади. Ўқувчилар ҳафтанинг 5 кунинда мактаб ҳудудида ҳам ўқиб, ҳам яшайди. Дам олиш кунлари эса ота-онаси бағрида бўлади. Мазкур дароғхонинг бошқа мактабларидан яна бир устун томони шундаки, таълим олаётган ўқувчилар мактаб формаси, ўқув қуроллари, озиқ-овқат билан тўлиқ бепул таъминланади.

МИНАЖАТДИН ҚЎТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Кузатувчи ва ваколатли вакилларнинг сайловлардаги роли

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши сайловининг жаҳон таърибасига мос, демократик руҳда ўтишида, унга тайёргарлик қўриш ва овоз беришда, натижасини аниқлашда, сайловда иштирок этган номзодлар ҳуқуқи ва имкониятини бир хилда таъминлашда, бир сўз билан айтганда, сайловларнинг қонуни талаблари даражасида ўтишида кузатувчи ва ваколатли вакилларнинг роли каттадир. Шунингдек, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш, овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда сайлов комиссиялари аъзолари билан бирга кузатувчилар ҳам иштирок этишади.

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят ва унинг ҳудудий кенгашлари томонидан 22 декабрь куни ўтказиладиган сайловларда кузатувчи ва ваколатли вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўқувлар ташкил этилмоқда.

Ана шундай ўқувлар партиянинг Навоий шаҳри, Кармана, Навбаҳор, Қизилтепа ва Қонимех туман кенгашларида ҳам ташкил этилди. Кузатувчи ва ваколатли вакилларга сайлов куни фаол бўлиши, партиянинг манфаатларини қатъий ҳимоя қилиши, уларнинг сайлов куниндаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ тушунтирилиб, партия томонидан тайёрланган тарқатма материаллар тўлиқ етказилди.

— Ўқувни ташкил этганларга миннатдорлик билдирамиз, — деди кузатувчи Муҳаббат Топшоева. — Бугун партия вилоят ва туман кенгаши маъмуллари томонидан ташкил этилган ўқув-машгулотда керакли маълумотларни олдиқ. Албатта, сайлов куни ушбу таърибаларни қўллашимиз.

Фаррух ШАҲРИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши бўлими мудир.

Худди шундай ўқувлардан яна бири Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши шаҳар кенгашида ҳам ўтказилди. Унда Қарши шаҳар партия кенгаши раиси Р. Муртазаев, Қарши шаҳридаги «Дарвозатуттак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Х. Панеева, Қарши шаҳар 40-умумий ўрта таълим мактаби директори А. Рўзиев, Қарши шаҳар 4-умумий ўрта таълим мактаби директори Х. Ражабова ва бошқа партия фаоллари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Пойтахтимизнинг Яшнобод, Шайхонтоҳур, Сергели, Мирзо Улугбек туманларида бўлиб ўтган семинарда ҳам шу мавзуда сўз борди. Унда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни ва тегишли сайлов комиссиясининг мандатини ўз ёнида олиб юриши шартлиги ҳам айтилди.


Шунингдек, Оҳангарон туманида ҳам Ўзбекистон ХДП томонидан «Кузатувчи ва ваколатли вакилларнинг ишлари ташкил этиш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Уларга Сайлов кодекси ҳамда кузатувчи, ваколатли вакилларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари хусусида атрофлича маълумот берилди.

Бундай ўқувлар республикамизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Ўзбекистон ХДП ҳудудий кенгашлари
Ахборот хизмати берган маълумотлар асосида тайёрланди.

ХДП – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЧИ

САЙЛОВ — 2019



Яқинда мамлакатимиз бўйлаб муҳим сиёсий жараён ўтказилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси вилоятлар, шаҳар, туман халқ депутатлари кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Шу пайтгача сайлов комиссияси фаолиятига, сайлов жараёниларига оммада кўр-кўрона ёндашув мавжуд эди. Ҳатто оиладан бир киши бориб, қўпчилик номидан кимга овоз бериб келса ҳам бўлаверарди. Ҳозир эса одамлар онгига сайлов жараёниларига онгли равишда ёндашув қўнимаси шаклланимоқда. Бу албатта ўтган йилларда соҳада амалга оширилган чуқур ислохот натижасидир. Тўғри, бизда ҳали жаҳон таърибаси стандартлари асосидаги тизим, онлайн овоз бериш, номзодларни молиялаштириш каби қўлайликлар тўлиқ шаклланимагандир. Бироқ партияларнинг ўзи ҳам қараб тургани йўқ. Улар ўз дастурларини эркин ва очик тарзда бевосита тўғридан-тўғри мулоқот тарзида ўтказишмоқда. Бешта партиянинг барчаси, албатта, фуқаролар манфаатидан келиб чиқиб иш кўрмоқда. Улар қўтилмаган ва инновацион ёндашувлар орқали аҳоли эътиборини тортмоқда. Бу йўлда жамоатчилик фикри ҳам инобатга олинди, сиёсий дебатлар қизгин тус оляпти. Айниқса, ХДП сиёсий мулоқот майдонига янгича руҳ олиб кириб, бу борада ўз йўлини аниқ белгиллаб олган. Бу партиянинг ўтказаватган ислохотлари биринчи ғалда ижтимоий-иқтисодий соҳага қаратилган. Аҳолининг энг кам ойли иш ҳақи, пенсияларнинг қўндалик яшаш минимумидан кам бўлмаган миқдорини белгилловчи тизимни йўлга қўйиш режалаштирилди. Қувонарлиси шундаки, бунда кам таъминланганлар манфаати қонун ҳимояси билан янгича тартибда ҳимояланади.

Партия аъзолари кўпроқ теб-бий соҳага эътибори қаратишмоқда. Тўғри, ҳар йили бепул теб-бий қўриқлар маҳаллий ҚВПларда олиб борилиши мумкин.

— Бирок, — дейди партия фаоли Гўлчехра Исломова, — ноғиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланганларга марказий шифохоналарда замонавий технологиялардан фойдаланиб хизмат кўрсатилиши, юкори малакали шифокорлар томонидан амалий ёрдам берилиши, ижтимоий ривожланишга ташланган катта қадамлардан бири бўлар эди.

Албатта, бу ерда аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлар чуқур таҳлил қилинган бор гап. Шунингдек, партия Сайловолди дастурида таълим соҳасида жиддий муаммолар ўртага ташланмоқда. Яъни мактабга таълим ва ўрта мактаб ўртасидаги маълум

бир бўшлиқ борки, бу шу пайтгача соҳа ривожига тўсиқ бўлиб келаётганди. 6 ёшдан бошлаб мажбурий бир йиллик таълим режаси ишлаб чиқилиб, кенг мухоама қилинаётгани муаммонинг ечими топилигидан даррақдир. Бу эса мактаб ва МТМ ўртасидаги узилишнинг олдинки олиши турган гап, деб ҳисоблашмоқда партия вакиллари. Натижада бошланғич таълим сифатида ижодий таъсир кўрсатилади, албатта.

Ислохотлар бўйича масалаларга ечимлар изланар экан, биринчи ғалда Халқ қабулхоналарига келаётган мурожаатлар ҳисобга олинади. Бу борада солиқлар, айниқса, коммунал тўловлар долзарб масалага айланиб бормоқда. Депутатлар эса аҳоли гарданига тушаётган қўшмича ҳақларни, ошиб бораётган тўловларни енгиллаштиришни тарғиб қилишмоқда. Бундан ташқари, бир марталик иш ўрни билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилувига инвестициялар жалб этиш ва шу каби муҳим жиҳатлар ҳам депутатлар нигоҳидан четда қолмаган.

ЎзХДП «12 қадам» лойиҳасини тарғиб қилишда жиддий изланишлар олиб бормоқда. Умуман олганда, Халқ демократик партияси ижтимоий масалаларга оқилона ёндашув ва замонавий ечимни илгари сўришни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган. Демократиянинг олдида турган тўсиқларга аҳоли мурожаатини тинглаб, биргалашиб лойиҳалар яратиш ХДПнинг устувор режаси ҳисобланади ва бундаги ҳолислик тамойили албатта ҳеч бир сайловчи беоътибор қолдирмапти. Биз эса сайловолди тадбирларига бефарқ бўлмаган ҳолда муҳим сиёсий жараёнда фаол бўлайлик!

Юсуфбек САЙДАЛИЕВ,
ЎЗЖОҚ талабаси.

Бугун жамоатчилигимиз том маънода фаоллашди. Эндиликда турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ижтимоий тармоқлар, ОАВ орқали таҳлил қилинади, муносиб баҳосини олади, шубҳасиз.

Муносабат Ўзбекистон бағрикентг диёр

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимизнинг маърузасини диққат билан тинглаб, кўпмиллатли Ўзбекистонимиз яқин йиллар ичида дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига амин бўлдим. Президент Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқлигига алоҳида ургу берди.

Жамоатчилик қонун бузилиши ҳолатларига қарши турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар, турли лавозимдаги мулозимлар фаолияти умум назоратида бўлмас экан, йўл қўйилган хато ва нуқсонлар оқибатида, ислохотлар қўтилган натижани бермаслиги аниқ. Ҳозир халқимиз уларнинг хатти-ҳаракатига бевоқифа баҳо бермоқда, ўз фикрини эркин ифода этишга ҳаракат қилмоқда. Бугун жамоатчилигимиз том маънода фаоллашди. Эндиликда турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ижтимоий тармоқлар, ОАВ орқали таҳлил қилинади, муносиб баҳосини олади, шубҳасиз.

Маърузада жамоатчиликни кўп йиллардан буён қийнаб келаётган муаммолар бирма-бир санаб ўтилди, уларни бартараф қилиш, ечимларини топиш бўйича ҳам аниқ фикрлар билдирилди. Масалан, ҳокимларнинг қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколати депутатлар кенгашига берилиши, Ўзбекистон тарихида илк бор прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартибининг жорий этилиши, эндиликда суд бирор-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўйилмаслиги каби бир қатор янгиларни анжуманда ўтирганлар қарас билан қўтиб олдилар.

Мамлакатимизда бугунги кунда 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек тинч-тотув, иноқ ва дўстликда яшаб келмоқда. Албатта бунинг учун Республикада барча миллат ва элат вакиллари уларнинг яшаш ва фаолияти учун керакли шарт-шароитлар яратиб берилган ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган. Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистонда

300 мингдан зиёд қирғиз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Улар асосан Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида, Тошкент шаҳрида ва бошқа ҳудудларда яшайдилар ва Ўзбекистонни ўз Ватани деб билади. Чунки инсон боласининг туғилган жойи ватан ҳисобланади.

Чунки бизлар шу диёрда туғилдик, вояга етдик ва ҳозирги кунда ўзбек халқи билан ака-ука, қуда-анда, дўст-биродар бўлиб яшаймиз. Бозоримиз ҳам, тўйларимиз ҳам бирга, битта маҳаллада тинч-тотув, бир оиланинг фарзандларидек яшаб ва меҳнат қилиб келмоқдамиз.

Мен Ўзбекистонда туғилдим, вояга етдим, униб-ўсиб, фарзанд ва набиралар кўрдим. Ўзбек устозларимдан илм ва билим олиб, юрт қорига яраб, ўзбек дўстларим билан бирга умргузаронлик қилиб келаётганимдан Оллоҳга минг қатла шуқурлар қиламан.

2017 йилнинг 24 январида Тошкент шаҳрининг марказида жойлашган Бобур номли истироҳат боғи ва уч қаватли хашаматли бино «Дўстлик саройи» деб аталди ва у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари» қўмитаси балансига берилди. Бундан Миллий маданий марказлар фаоллари жуда мамнун бўлди. Бу ерда Ўзбекистон қирғиз миллий маданий марказининг фаолият олиб бориши учун ҳам барча шарт-шароит яратилган. Биз турли миллат вакиллари билан биргаликда ўтказилаётган ҳар бир байрам ва тадбирларда қатнашиб келмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз ҳар доимгидек, «Биздан халқимиз рози бўлиши керак», деган сўзларни такрор-такрор қайд этди. Биз албатта, олийжаноб ва меҳнаткаш, кўп миллатли халқимиз билан биргаликда белимизни маҳкам боғлаб, шу она юртга хизмат қиламиз.

Раҳматилло ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон қирғиз миллий маданий
маркази раиси.



Бирдамлик ва тенглик кафолати

Ҳар йили 8 декабрь – Конституциямиз қабул қилинган кунни халқимиз юқори қайғиёт билан қўтиб олади. Унинг қадрини, моҳиятини барчамиз яхши ҳис этамиз. Бош қомусимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, бирдамлик ва тенглик мезонидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигига бағишланган маърузада таъкидлаганидай, Бош Қомусимиз жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатлигини эътироф этади ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратади.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, нуфузи, қадри ва бошқа дахлсизлик ҳуқуқлари юқори қадрият сифатида эъзозланади. Маърузада Президентимиз инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегия ишлаб чиқиш тақдирини қўйди. Бунда тинч ва осойишта яшаётган халқимизнинг манфаъати назарга олинган.

Мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни ваколатли ҳимоя қилиш бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикентлик борасида дунёга ибрат намунасини

кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизда турли миллат вакиллари аҳилликда яшайди. Миллий маданият марказларининг дўстлик, тотувлик ва бағрикентлиги сақлашига, урф-одатларимизни ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилиб боришига барча шароитлар яратилган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукҳи, қудрати ва таркиби йўқолади» деган сўзларини Президентимиз бекорга мисол келтиргани йўқ. Шу нуқтаи назардан, Конституциямизда белгиланган қонун устуворлигини таъминлаш биз қўраётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади. Эркин ва адолатли жамиятга асосланган демократик давлатни тараққиётга эришди. Жамиятимизда қонун устуворлиги бўлар экан, мамлакатда ривож бўлади, адолат ва фаровонлик қарор топади. Бу албатта, эртанги кунга ишонч билан яшаётган халқимиз, барча миллат-элатлар учун аҳамиятлидир. Бунда ёш авлоднинг эркин ҳаёти, халқнинг тинч ва осойишта турмушини таъминлаш, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши назарда тутилганига шубҳа йўқ.

Серикбай УСЕНОВ,
Ўзбекистон қозоқ миллий маданий
маркази раиси.

ҲУДУДЛАРДАН ДАРАКЛАР



Суратда: Тажрибали мураббий Айжан Олейникова дарс жараёнида.

Беш ташаббус илҳомлари

Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, марказида жойлашган 15-сонли мусиқа ва санъат мактабида бугунги кунда 12 йўналиш бўйича 365 нафар ўқувчи расомлик, рақс, амалий санъат, фортепиано, скрипка, анъанавий хонандлик, халқ чолғу созлари каби тўғрақларда фаол иштирок этмоқда.

– Юртбошимиз илгари сурган 5 муҳим ташаббус мактабимизда фаолият кўрсатаётган 45 нафар ўқувчига катта илҳом бағишлади. Улар ҳамжиҳатликда истеъдодли фарзандларимизни янги ижод манзилларига қорламоқда,– дейди мактаб директори Бахтиёр Қурбонов.– Бунинг учун бу ерда барча имкониятлар муҳайё қилинган. Болаларнинг эркин ижод қилишлари учун ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида синфлар ажратилганидан ота-оналар ҳам мамнун.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

ЭЪЛОН ВА РЕКЛАМА

Тошкент молия институтини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20 – сонли «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори билан тасдиқланган низомнинг 12 – бандига асосан ушбу ўқув йилида сайлаш мuddати тамом бўладиган куйидаги бўш лавозимлар учун танлов эълон қилинди.

1. «Давлатий молия»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 2. «Халқаро молия-кредит»: кафедра мудир, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 3. «Касбий психология, жисмоний тарбия ва спорт»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 4. «Баҳолаш иши ва инвестициялар»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 5. «Бюджет ҳисоби ва гaзначилик иши»: кафедра мудир, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 6. «Электрон тижорат ва рақамли иқтисодиёт»: кафедра мудир, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 7. «Банк иши»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 8. «Банк ҳисоби ва аудит»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 9. «Ўзбек ва хорижий тиллар»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 10. «Сугурта ва пенсия иши»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 11. «Солиқлар ва солиққа тортиш»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 12. «Ижтимоий фанлар»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 13. «Бухгалтерия ҳисоби»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 14. «Аудит ва иқтисодий таҳлил»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 15. «Олий математика, статистика ва эконометрика»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 16. «Иқтисодиёт»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 17. «Менежмент»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
 18. «Корпоратив молия ва қимматли қорғолар»: профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр.
- Танловда чет тили ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мукамал ўзлаштирган педагог-ҳодимлар иштирок этишлари мумкин. Танлов мuddати — газетада эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.
- Танловда қатнашсини хоҳловчилар Тошкент молия институтининг (Тошкент шаҳри, А.Темур шох кўчаси, 60А-уй) ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.
- Маълумот учун телефон. (71) 234-45-86.

QISHLOQQURILISHBANK

Кредитлар, истиқболли лойиҳаларга йўналтирилмоқда

Акциядорлик-тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» ОАВҳодимлари учун навбатдаги пресс-турни Фарғона вилоятига уюштирди. Унда 20 га яқин журналист иштирок этди.

Вилоятда айна пайтда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Фарғона минтақавий филиали, Қўқон, Марғилон, Қува филиаллари мижозларга намунали хизматлар кўрсатмоқда. Пресс-тур доирасида банк тузилмалари эришаётган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида атрафлича маълумот берилди. Омманинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, хизматлар кўлами кенгайиб бораётгани қайд этди.

Иштирокчилар Фарғона вилоятида банк молиявий кўмағида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар билан ҳам танишдилар.

Дастлаб, Қувасой шаҳри ҳудудида фаолият юритаётган «AGRO SERVICE ASIA» масъулият чекланган жамияти шаклидаги қишлоқ корхонадаги ишлар кўлами билан танишилди. Мазкур банкнинг мижози музлаттич омборхонаси фаолиятини йўлга қўйиш ва иссиқхона қуриш лойиҳасини амалга оширмоқда. Унинг умумий қиймати 4,6 млн. АҚШ доллари бўлиб, шундан 2,6 млн. АҚШ доллари «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан йўналтирилган. Банк сармояси ҳисобига замонавий иссиқхона барпо этилмоқда. Ташкил қилинган музлаттич омборхонасидан йилга 1 млрд. 800 млн. сўмлик даромад олиш, иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотларни эса Россия Федерациясига экспорт қилиш кўзда

тутилган. Лойиҳа доирасида жами 60 та доимий ва 150 та мавсумий иш ўрни яратилади.

Журналистлар Тошлоқ туманидаги «Vodiy Zamin Plast» МЧЖ фаолияти билан ҳам танишдилар. Корхонанинг пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси учун банк томонидан 150 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилган. Бу маблагга замонавий пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари олиб келиб ўрнатилган. Корхона йилга 1 млрд. 500 млн. сўмлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирган. Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари ва тайёр маҳсулотлар журналистларда катта қизиқиш уғотди.

Жорий йилда Фарғона вилоятида 230 та уй-жой қурилиши «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан молиялаштирилмоқда. Қурилаётган уй-жойларнинг 204 таси энергия тежамкор уйлар ҳисобланади. Бундай уйларда ишлатиладиган барча энергия тежамкор ечимлардан фойдаланишдан ташқари ёруғлик эҳтиёжларини энергия билан таъминлаш учун фотоэлектрик қувват панеллари ўрнатилмоқда. Энг муҳими, бу ускуналар ўрнатилиши билан боғлиқ харажатлар «Қишлоқ қурилиш банк» ҳамкорлари томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисобидан қопланмоқда.



Оммавий ахборот воситалари вакиллари Олтиариқ тумани «Қанчугай» массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилган арзон ва энергия тежамкор уй-жойларга ташриф буюриб, хонадон соҳиблари билан суҳбатлашдилар.

Данғара туманидаги «Urojay Vostoka» МЧЖнинг иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан ҳам танишилди. Мазкур лойиҳа қиймати 44 млрд. сўм бўлиб, «Қишлоқ қурилиш банк» филиали томонидан 4 млн. АҚШ доллари кредит ажратилган. Корхона йил давомида 6 млрд. сўмлик маҳсулот етиштиришни ва хорижга экспорт қилишни режалаштирган. Энг муҳими, лойиҳа орқали 70 та доимий янги иш ўрни яратилади.


«Қўқон иқтисодий зонаси» ҳудудида фаолият юритаётган «GLOUROS BUSINESS» МЧЖнинг велосипед ва унинг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам катта қизиқишга сабаб бўл-

ди. Лойиҳа учун 300 млн. сўм миқдорида банк кредити йўналтирилган. Натихада 50 та доимий иш ўрни ташкил қилинган.

Пресс-тур иштирокчилари «Қишлоқ қурилиш банк» Қўқон филиали янги биносининг очилиш маросимида ҳам иштирок этдилар. Филиал замонавий банк технологиялари билан жиҳозланган. 24/7 режимида ишлайдиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохбачаси ҳам қурилган. Журналистлар Қўқон филиалида мижозлар учун яратилган қулайликлар билан танишдилар ва мижозлар билан суҳбатлашдилар.

Бундай пресс-турлар республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам режалаштирилмоқда.

Банк ахборот хизмати
Хизматлар лицензияланган.



Байрам табриклари ва реклама


«ХОРАЗМ ГРАНИТ»

хусусий корхонаси жамоаси

халқимизни **ЯНГИ — 2020 ЙИЛ** билан
самимий муборакбод этади!



Ватанимизни
гуллаб-яшнаши йўлидаги
эзгу ишларингизда ҳамиша
омад ёр бўлсин азиз
юртдошлар!




«ХОНҚА ТАРАҚҚИЁТ ҚУРИЛИШ»

хусусий корхонаси жамоаси

Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини
Янги — 2020 йил билан табриклайди!

Янги йил ҳар бир хонадонга қувонч, фаровонлик
ва бахт-саодат олиб келсин!



2020

Байрам табриклари ва реклама

NAVRUZ

«NAVRUZ INTERNATIONAL CORP»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**халқимизни яқинлашиб келаётган
янги — 2020 йил билан қизгин табриклайди!**

**Саховатли заминимизга янгича сурур билан
кириб келаётган бу улуг айём юртимизга
тўкинлик, хонадонларимизга бахт ва
омад олиб келсин!**

**Янги йилингиз билан,
азиз юртдошлар!**



Маҳсулотлар сертифициланган.



«ФАЛЛА-АЛТЕГ»

акциядорлик жамияти жамоаси

**халқимизни тобора
яқинлашаётган
янги — 2020 йил
билан муборакбод этади!**



**Янги орзу-умидлар ва яратувчанлик
завқи билан яшаётган сиз, азизларга
она Ватан тинчлиги, кўнгул ободлиги ва
оила бахтиёрлиги мангу ҳамроҳ бўлсин!**



**ХАЛҚИМИЗ БАЙРАМЛАРИ,
ЯХШИ КУНЛАРИ ЯНАДА КЎПАЙВЕРСИН!**

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»



ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV

Shuhrat JALILOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi
o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni
chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1251, 3425 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:45.

Topshirilgan vaqti — 23:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон sahifasiga utish uchun
QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5